# 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

2003 YIL 6 DEKABR, SHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№147 (6.672). Sotuvda erkin narxda


*Кириб келаётган йилни: Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилишдан ҳам мақсадимиз - одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир.*

**Ислом КАРИМОВ**

# КОНСТИТУЦИЯ - ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ



## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали барча халқимизни Конституциямизнинг ўн бир йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз ҳар йили бу қутлуғ санани пойтахтимиз Тошкентда, вилоят ва шаҳарларимизда, бутун мамлакатимизда кенг нишонлаймиз. Шу муносабат билан Асосий қонунимизнинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти, унинг олдимизга қўяётган вазифалари ҳақида сўз юритамиз. Ҳозиргина Олий Суд раиси Фарруҳа Муҳиддинованинг мазмунли маърузасида баён этилган фикрларга қўшилган ҳолда, рухсатингиз билан, мен ҳам ўзимнинг Конституциямизга алоқадор баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Мана, 11 йилким, биз ҳаётимизнинг Асосий қомуси бўлмиш, яъни давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини муҳрлаб берувчи Конституциямиз асосида яшаб келмоқдамиз. Мана, 11 йилким, Конституциямизда зикр этилган мақсад ва муддаоларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш йўлида том маънода белимизни қаттиқ боғлаб меҳнат қилмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқаромиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, деб қабул қиламиз.

Шунинг учун ҳам бугун мана шу давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, эришган натижа ва марраларимизни Конституциямиз олдимизга қўйган мақсадлар билан қиёслаб-таққослаб, тегишли хулосалар чиқариш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Албатта, Конституциямиз ғояларини амалга оширишда қўлга киритган ютуқларимиз, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимиздаги ҳали-бери ечилмаган муаммо ва нуқсонлар, олдимизда турган тўсиқ ва ғовлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритиш, уларни бартараф этиш ҳақида бош қотириш кераклигини уқтириб ўтмоқчиман.

(Давоми 2-бетда)

***Анъанага кўра, бу йил ҳам 5 декабрда Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали маросимга мамлакатимизнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намоёндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари йиғилди.***

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Олий суд раиси Ф.Муҳиддинова Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн бир йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Бош Қонунимизда белгилаб берилган мезонлар турмуш тарзимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борсагина халқимиз ва давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад-муддаоларига тезроқ эришиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суришида, эришилаётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва юртимиз обрўсининг халқаро майдонда ортиб бориши замирида Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Инсон омилига олий қадрият сифатида ёндашиш принципи амалга кирди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Мана, неча йилдирки, юртимиз янги йилни янги бир хайрли ном билан қарши олади. Бундай номлар замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги мужассам.

Юртбошимиз истиқлол йилларида турли номлар билан эълон қилинган йиллар ўртасида мантиқий асос, ўзаро узвийлик мавжудлигига эътиборни қаратди.

Ўтиб бораётган Обод маҳалла йилида юртимизнинг ҳар бир гўшаси янада ободонлашди, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари тағинда мустаҳкамланди. Шу муносабат билан қабул қилинган махсус дастур маҳаллаларимиз ҳаётидаги катта ўзгаришлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Президентимиз кириб келаётган 2004 йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари билан маъқулланди.

Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз, - деди Юртбошимиз.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

**(ЎзА)**

***

**Суратларда: тадбирдан лавҳалар. А.ТЎРАЕВ, С. ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Улуғ байрам, катта шодиёна катта туҳфалари билан гўзал. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида Президентмиз Ислом Каримовнинг Фармонлари билан мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юртимиз ободлиги ва эл фаровонлигига улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ ватандошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.***

5 декабр куни Оқсарой қароргоҳида ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

- Ҳаммангизга маълумки, Конституция байрами арафасида Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган юртдошларимизни қутлаб, уларга ана шу мукофотларни тантанали равишда топшириш яхши бир анъанага айланиб қолди, - деди Президентимиз.

Бугун мен мана шу муҳташам залга тўпланган сиз, азизларимни, сизлар орқали давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланган барча ватандошларимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз касбини улуғлаб, ўз соҳасида қўлга киритаётган улкан ютуқлари, ҳаётий тажриба ва олижаноб фазилатлари билан бутун халқимиз, айниқса, ёш авлодимизга ибрат ва намуна бўлиб келаётган юртимиз фидойиларини кўрамиз.

Шу қувончли лаҳзаларда барчамиз, авваламбор, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий нишон соҳиби бўлган миришкор ва саховатли фермер Аҳмад Нарзуллоев, уста пахтакор Аваз Эргашев, заҳматкаш чўпон Серикбой Сагатов, пўлат эритувчи Абдураҳмон Абдураззоқов, театр санъатимизнинг ёрқин намояндаси Зикир Муҳаммаджонов, қорақалпоқ элининг куйчиси, таниқли адиб Тўлепберген Қаипбергенов каби янги қаҳрамонларимизни табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларига ривож, ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Бугунги тантанали маросимда ўзининг ибратли ҳаёти, бебаҳо илмий ва ижодий мероси билан мамлакатимиз илм-фани ва маданияти тараққиётига беқиёс хизмат қилган, бутун умрини эл-юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида бағишлаган марҳум ватандошларимизни эслаш ва қадрлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу маънода, машҳур файласуф, жасоратли инсон Иброҳим Мўминов, қишлоқ хўжалиги фанининг етук намояндалари Рихард Шредер ва Маҳмуд Мирзаев, юрак жарроҳлиги соҳасида ўз мактабини яратган Восит Воҳидов каби буюк олимларимизни, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам замондош ва шогирдларига ибрат бўлган Шуҳрат ва Асқад Мухтордек мумтоз адибларимиз, маданиятимиз тарихига номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Раҳим Пирмуҳамедов, Толибжон Содиқов сингари ўлмас сиймоларнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлангани дунёда Ватан ва халқ олдидаги хизмат ҳеч қачон унутилмаслигини яна бир карра исботлайди.

Бугун мен мана шу залга жам бўлган инсонлар тимсолида кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларини, ўз ҳаётини ёшлар тарбиясига бағишлаган устоз-мураббийларни, халқимиз салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш учун самарали меҳнат қилаётган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндаларини кўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Бугун сизларнинг орангизда ҳозирги таҳликали замонда осмонимизни мусаффо сақлашга, юртимизни ҳар қандай таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган, хавфсизлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраб келаётган мард ва жасур ўғлонларимиз, ҳарбийларимиз борлиги, албатта, барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

(Давоми 2-бетда)

# ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

***Ҳар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири – унинг асосий Қонуни – Конституцияси ҳисобланади.***

***Кишилик жамияти тарихий ривожланиш кўрсатганидек, ҳар қайси жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қилишга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда истиқлол йилларида давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлди.***

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш ғояси 1990 йил 20 июнида мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши билан бевосита боғлиқ. Мазкур Декларация қабул қилинган Олий Кенгашнинг 2-сессиясида бу ҳужжатдаги муҳим тамойиллар асосида давлатнинг янги Конституцияси ишлаб чиқилиши лозим деган хулосага келинди. Сессия Президент Ислом Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Конституциявий комиссия Раиси ишчи гуруҳ олдига қуйидаги вазифаларни қўйди:

а) Конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси ўрганиб чиқилсин;

б) Бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳисобга олинсин;

в) Халқ оммаси дилига яқин ва тушунарли бўлган сиёсий юридик ҳужжатлар яратилсин.

Қатор ривожланган давлатлар конституциялари ўрганиб чиқилди, қиёсий таҳлил қилинди.

(Давоми 3-бетда)

**ҚАДРИЯТ**

***Саховатпеша инсонлар бор бўлсин. Улар билан бу муаззам Ватан гул-гул яшнамоқда. Муҳтарам Президентимиз бундай одамлар тўғрисида: "Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак", деганларида минг бор ҳақ эдилар.***

Бундай серғайрат, элга меҳри, шу заминга муҳаббати баланд, эзгуликни байроқ қилиб олган юртдошларимиз оз эмас. Бугунги ҳикоямиз ана шуларнинг бири ҳақидадир.

# ЧАШМАДАН СУВ ИЧГАН ШАҲАР

Академик Яҳё Ғуломов ўз вақтида: "Нур қалъаси эрамиздан бурунги асрларда бино бўлган", деб ёзадилар. Ушбу қалъа машҳур Нур булоғининг устки қисмида сув бошига эгалик қилиш ва душман қамалига бардош бериш учун бунёд этилган.

Нуротани "Чашмадан сув ичган шаҳар", деб ҳам таърифлашади. Чунки Чашма суви асрлар давомида шаҳар аҳли учун тириклик манбаи бўлиб келмоқда. Нур шаҳрининг довруғини олам аро унинг Чашмаси ёйган. Бу муборак жой аждодларимиз ақл-заковати ва меҳнати маҳсулидир. Искандар Зулқарнайн қурдирган "Нур қалъаси", "Пироота" мудофаа девори, коризлар X асрнинг ўлмас ёдгорлигидир.

Чил устун жоме масжиди ҳамда XVI аср охирларида шарқ меъморчилик услубида катта гумбаз ва эски ҳаммом обидалари қад кўтарган.

Нур қалъаси Марказий Осиёда исломга қадар қурилган антиқа археологик ёдгорликлардан бири саналади. Буюк ипак йўлининг бир тармоғи Нур шаҳри орқали ўтган.

(Давоми 6-бетда)


Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144


# МЕҲМОН КЕЛАР ЭШИКДАН...

**ИНСОН ЎЗИНГ...**

***Одамийлик ҳақида насиҳатларни, ибратли ҳикоя ва ривоятларни мутолаа қилишни, маънавий бисот қилиб тўплаб юришни хуш кўраман. Назаримда, қалб сандиғимдаги лиқ тўла сараланган кишмишдек улар.***

Мағзи тўқ, шираси шифобахш. Қиём пишганлигидан, қуёш ҳароратидан тўйиб баҳра олганлигидан, энг покиза жойда сақланишидан, эъзози-эътибори кўнгилдан бўлганлигидан садафдек тоза туради, айнимайди бу жавоҳирлар. Яқинда бу маржонга яна битта маржон топиб қўшдим:

"-Меҳмонлар келди, битта товуқ сўяйми? – деб сўрайди ўғил отадан.

-Чақириб келдингми, ўзлари сўраб келишдими?

-Ўзлари сўраб келишган.

-Унда отни сўй, - дейди отаси".

Кўзим катта очилди, ҳикоят матнига тикилиб узоқ хаёлга толдим. Ҳамиятли, саховатли кўнгил ҳотамлигидан яшнаб кетдим. Атрофимга қарадим – сукунат. Эшикка термулдим, жим-жит. Ўқиганим - ҳикоят бағридан иссиқ меҳр юз-кўзимга урилди. Тасаввурим уфқи кенгайди. Бирибиридан мусаффо қалбларнинг самимий кўришишлари, талпинишлари, гурунглари қулоғимга аниқ эшитила бошланди. Қассобнинг меҳмонлар оёғи остига бетаъма қон чиқариши кўнгилларни осмон қилди. Аёл ўчоққа олов ёқди. Ўғил томдан қуриган шох-шабба туширди. Бўйи етган қиз ўчоққа ўтин қалаш билан машғул бўлди. Қора тун ҳовли ойдиншаъбга айланди. Яқин қўни-қўшни меҳмонгурунгга чорланди. Қулоғимга сас келгандек бўлди.

-Меҳмонлар олдига ўтаркансиз, дадам айтдилар.

Анчадан буён соғинган эканман бу чорловни. Узун дастурхон ёзиғлик меҳмонхона кўз олдимга келди.

(Давоми 6-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:** ҚЎШНИЛАР | "ОТАНГГА БОР, ОНАНГГА БОР..." | ТАРСАКИ ҲАМ ДАВО

# КОНСТИТУЦИЯ - ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

(Боши 1-бетда)

Нега деганда, биз ўз фаолиятимизга танқидий, холисона баҳо бермас эканмиз, то ҳануз йўлимизда дуч келаётган нуқсон ва камчиликларни тан олмас эканмиз, уларни ечишга четдан келиб ҳеч ким ёрдам бермайди. Бу аччиқ ҳақиқатни барчамиз ўз ҳаётимизда, ўз мисолимизда кўрдик ва кўрмоқдамиз.

Содда қилиб айтганда, шуни яхши тушуниб олиш керакки, ютуғимиз ҳам, камчилигимиз ҳам фақат ўзимизники. Бу камчиликларнинг, ҳаётимизда ҳамон учраётган қийинчилик ва етишмовчиликларнинг пайдо бўлишига аввало ўзимиз сабабчимиз ва уларни бартараф этиш учун ҳам ўзимиз жавобгармиз.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўз кучимизга, ақл-заковатимиз, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга, динимиз ва тилимизга таянган ҳолда, айни пайтда демократик эркин дунё эришган ютуқларга ҳамоҳанг бўлиб, ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлни танладик ва бу сиёсатни қатъиятлик билан олиб бормоқдамиз.

Шу ўтган вақт мобайнида қанча-қанча суронли кунларга дуч келмадик, ҳаётнинг ўзи бизларни не-не синовлардан ўтказмади. Ва бугун ҳам - буни очиқ айтиш керак - дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда давом этаётган нотинчлик, халқаро майдонда терроризм хатари кучайиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, биз қандай таҳликали, ўта хавфли замонда яшаётганимизни тасаввур қилиш қийин эмас.

Мана шундай вазиятда эл-юртимизни эсон-омон, осмонимизни мусаффо сақлаш, ўз танлаган тараққиёт йўлимиздан оғишмай олдинга юриш нақадар оғир ва мураккаб вазифа экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман.

Шу минбардан туриб бугунги кунимиз, келгуси авлодларимиз олдида ўз масъулиятимизни чуқур сезган, англаган ҳолда, бир ҳақиқатни қатъиятлик билан таъкидламоқчиман: биз ҳеч кимга тобе бўлмасдан, турли сиёсий ўйинлар гирдобига тушмасдан, ўз миллий манфаатимизга жавоб берадиган мустақил сиёсатни давом эттирамиз. Агар баъзиларга ўхшаб, кимнингдир етовида кўр-кўрона юрадиган бўлсак, тақдиримизни ҳал қилувчи масалалар бўйича узоқни кўзламасдан, енгил-елпи қарорлар қабул қилсак, ўйлайманки, бундай сиёсатнинг умри қисқа бўлади. Ва бундай йўл охир-оқибатда келажагимизга зиён етказиши, оғир пушаймонликка олиб келиши муқаррар.

Биз яхши биламиз ва жаҳон тарихи ҳам шундан далолат берадики, ўз миллий анъаналари, қадриятлари ва томирларидан узилмаган, ўз қадр-қиммати ва ғururини сақлай оладиган давлат ва миллат ўз мурод-мақсадига етади.

Шу маънода, Конституция тамойилларига асосланган ички ва ташқи сиёсатимиз мана шу давр мобайнида ҳар томонлама ҳаёт синовидан ўтди. Ҳатто бизни хуш кўрмайдиган айрим сиёсатчи ва таҳлилчилар ҳам бу йўлнинг тўғри эканини тан олди ва бу сиёсат бугун ўзининг ижобий натижалари ва ҳосилини бермоқда.

Бунинг исботини ҳаётимизнинг барча босқич ва соҳаларида - бу давлатимиз ва жамиятимиз сиёсий-ижтимоий тизимининг янгича, халқаро демократик асосларда шаклланиши бўладими, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш модели бўладими, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга қодир Қуролли Кучларни барпо этиш бўладими, халқаро майдондаги обрў-эътиборимизнинг юксалиши, халқимизга куч-қувват берадиган миллий ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш жараёнлари бўладими - биз танлаган йўл ва ислоҳотларнинг самарасини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг, аввало, етакчи соҳаларнинг таркиби тубдан ўзгариши, янги-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг пайдо бўлиши, рақобатга бардошли маҳсулот ҳажми ва экспорт салоҳиятининг ўсиши, миллий валютамизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувига эришганимиз ва унинг тобора мустаҳкамланиб бориши, нарх-навонинг жиловланиши, умуман, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши -буларнинг барчаси авваламбор халқимизнинг ҳаёт даражасига ижобий таъсир ўтказаётгани ҳақида гапиришга бугун тўлиқ асос бор.

Хабарингиз бор, яқинда матбуотда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро Болалар ташкилоти бўлмиш ЮНИСЕФнинг 2003 йил ижтимоий мониторинги натижалари эълон қилинди. Холис ва аниқ далилларга асосланган ушбу ҳужжатда юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, умуман, инсон ҳаётини ҳимоялаш ва қадрига етиш йўлида биз қўлга киритаётган ютуқларнинг эътироф этилиши ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, одамларимиз онгу тафаккури, маънавий дунёсининг замонга мос равишда ўзгариб бораётгани юртимиздаги янгиланишлар жараёнининг энг муҳим белги-аломатидир, десак, асло хато бўлмайди.

Албатта, ҳар қандай жамият ривожи учун моддий асослар зарур. Бусиз бугунги тараққиётни мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Лекин, шу билан бирга, инсоният ҳаёти учун маънавий асослар ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда таълим-тарбия, билим ва тафаккур бугунги кунда етакчи ва ҳал қилувчи ўринга қўйилмоқда. Миллий уйғониш руҳи, миллий ғоя ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Агар мендан, бугун биз қандай энг муҳим ва устувор йўналишларга эътибор қаратишимиз керак, деб сўраса, мен бу борада кейинги йилларда ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўяётган масалаларни алоҳида кўрсатган бўлардим.

Лўнда қилиб айтганда, ташқи сиёсат соҳасида узоқ-яқин қўшниларимиз билан тил топишиб, аҳил бўлиб яшаш, дунёнинг етакчи давлатлари - у АҚШ ёки Европа Иттифоқи мамлакатлари бўладими, Россия ёки Хитой, Япония ёки Жанубий Корея бўладими - барчаси билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, уларнинг куч-қудрати ва бизга бўлган хайрихоҳлигидан ўзаро манфаатли муносабатлар йўлида фойдаланишимиз лозим.

Ички сиёсатимиздаги энг муҳим йўналиш эса - бу ҳам жуда чуқур, принципиал аҳамиятга эга - ҳаётимизнинг барча жабҳаларини либераллаштириш, ўзбекча айтганда, эркинлаштириш ва яна бир бор эркинлаштиришдир.

Яъни, тараққиёт пойдевори бўлмиш иқтисодиёт соҳасига давлат аралашувини кескин камайтириш, хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, бозор муносабати тамойилларига сўзда эмас, амалда риоя қилиш, унинг қонуний кафолатларини ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Энг муҳими, ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракатига кенг имкониятлар очиб бериш. Кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари, яъни ишнинг негизини биладиган одамлардан таркиб топган бу тоифа салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш.

Бугун мамлакат ялпи ички маҳсулотида уларнинг ҳиссаси учдан бир қисмни ташкил этаётган бўлса, яқин беш-ўн йил ичида бу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак.

Бу эса, ўз навбатида, кўп-кўп масалаларни, аввало, ишсизлик масаласини, қатор ижтимоий муаммоларни ечиш, жамиятда барқарорликни таъминлаш имконини беради. Мухтасар қилиб айтганда, ташқи ва ички сиёсатимиз йўналишларини белгилаб берадиган бундай ёндашув пировард натижада - мен буни аниқ ва масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда айтмоқчиман - халқимиз ва келажак авлодларимизнинг эркин ва озод бўлиб, дунё ҳамжамияти билан тенг бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қадрли юртдошлар!

Барчангизга яхши маълум - кейинги йилларда юртимизда ҳар қайси йилга, сизлар билан маслаҳатлашган ҳолда, алоҳида ном бериш ўзига хос бир анъанага айланиб қолди.

Бундан мақсад, биз шу тариқа ҳаётимиздаги бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирини жамиятимиз, халқимизнинг эътибор марказига қўйиб, бу муаммони ечиш учун давлат ва унинг ҳокимият идораларини жалб этамиз.

Айни пайтда жамоатчилигимизни, шу юртда яшайдиган, шу заминга фарзандлик меҳри билан қарайдиган барча одамларни ҳам бу ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиш учун сафарбарликка даъват этамиз.

1997 йилдан буён қайси йилни олмайлик - бу Инсон манфаатлари ёки Оила йили бўладими, Аёллар ёки Соғлом авлод йили бўладими, Оналар ва болалар ёки Қарияларни қадрлаш йили бўладими - уларнинг барчаси негизида ана шундай олижаноб мақсад-муддаолар мужассам эканини кўриш мумкин.

Чунончи, янги асрнинг учинчи йилини юртимизда «Обод маҳалла йили» деб номлаганимиз замирида ҳам катта эзгу ниятлар кўзда тутилганидан сизлар яхши хабардорсиз.

Шу мақсадларда тузилган махсус дастур ва уни амалга ошириш бўйича эришилган пировард натижаларни баҳолайдиган, ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу дастур аввало юртимиздаги ҳар қайси инсон ва оиланинг ҳаёт тарзи ва шароитини яхшилаш, имкон борича одамларга эркинлик ва қулайлик яратиб беришга хизмат қилаётганини кўрамиз.

Ўйлайманки, Обод маҳалла йилида амалга оширган кўпгина ишларимизга, 2003 йил натижаларидан келиб чиққан ҳолда албатта якун ясаймиз. Ушбу масала бўйича марказда ва жойларда мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Йил давомида амалга оширган хайрли ишларимизнинг ташаббускор ва ташкилотчилари бўлган фаолларимизнинг меҳнатига ҳам муносиб баҳо берилади.

Менга буюрса, аввало, ўз ишини қандайдир ҳисобот ёки кўз-кўз этиш, кимгадир миннат қилиш учун эмас, балки дил амри, қалб эҳтиёжи деб биладиган, ён қўшни - жон қўшниси, ўз маҳалласи учун жон куйдириб ишлаётган бундай инсонларни бошимга кўтарардим, бағримга босиб, ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдирардим.

Ҳаётга мана шундай фаол муносабат билан яшайдиган, меҳнати доим ҳам кўзга ташланмайдиган, аммо жамият учун ўта зарур, ўта муҳим вазифани адо этадиган ана шундай одамлар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кам бўлмайди, десам, ўйлайманки, сизлар менинг фикримга қўшиласиз.

Азиз дўстлар!

Мен ҳозир сизларнинг ҳузурингизда «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси бўйича батафсил ахборот бериб ўтирмасдан, бу борада бажарилган энг муҳим ишларнигина эслатиб ўтсам, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Аввало, шуни қайд этиш кераккки, йил давомида маҳаллаларимизни янада обод қилиш мақсадида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўплаб маданий-маиший бинолар, спорт майдончалари, хиёбон ва боғ-роғлар барпо этилди.

Буни 1 миллиард 745 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланиб, 310 та маҳалла гузари бунёд қилингани, шаҳар ва қишлоқларимизда 25 миллиондан зиёд дарахт кўчатлари ўтқазилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда долзарб масала бўлган маҳаллалар аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қарийб минг километрлик сув тармоғи ва 1 минг 322 километрлик газ тармоғи ишга туширилгани, бу эса одамларнинг, аввало, аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга сезиларли таъсир кўрсатишини айтиб ўтиш жоиз.

Айни пайтда маҳалла ва мавзелар ҳудудидаги минг километрдан ортиқ йўл қайта таъмирланиб, ободонлаштирилгани ҳам бу борада амалга оширган катта ишларимиз қаторига киради. Бу ишларнинг кўпчилиги ота-боболаримизнинг эзгу удуми бўлмиш ҳашар йўли билан бажарилгани айниқса ибратлидир.

Шу маънода маҳалла фаолларининг ташаббуси билан Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарларида қарийб 12 ярим миллион ҳамюртимиз иштирок этганини, ҳеч шубҳасиз, миллий қадриятларимизнинг яна бир амалдаги намоёни деб баҳолаш мумкин.

Жорий йил давомида юртимиздаги 5 минг 630 та маҳалла ҳудудида кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш ҳисобидан қарийб 155 мингта янги иш ўрни яратилгани ва бунинг натижасида кам таъминланган фуқаролардан 110 минг нафари иш ўрнига эга бўлгани айниқса диққатга сазовор. Бу муҳим ишга тижорат банклари томонидан 36 миллиард 155 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан қарийб 8 миллиард сўм, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун имкон яратди.

Дастур доирасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 мингдан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа пули тайинланди, шунингдек, 180 мингта кам таъминланган оилага қарийб 4 миллиард сўм миқдорида моддий кўмак берилди.

Бунга қўшимча равишда республика «Маҳалла» жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан муҳтож оилаларга 509 миллион сўм маблағ ажратилганини, кўп болали оилаларнинг 240 минг нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда бепул дам олдирилганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Муҳтарам қарияларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бўйича аввалги йилларда бошланган кенг кўламли ишларимиз 2003 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Бу борада 25 мингдан зиёд ёлғиз пенсионер ва ногиронларга 630 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, дори-дармонлар сотиб олиш, коммунал тўловлар, саломатлигини тиклаш учун қўшимча маблағлар ажратилди, 28 мингдан ортиқ ёлғиз қария тиббий кўрикдан ўтказилиб, республика ортопедия корхонаси ва унинг ҳудудий бўлимларида ногиронларнинг 78 фоизига протезлар тайёрлаб берилди.

Маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, асрлар давомида унинг бағрида шаклланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилгани эътиборлидир. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилгани, турли кўргазмалар ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Жумладан, Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб НАТОнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида ва Бельгиянинг бир қанча шаҳарларида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар» номли кўргазма намойиш этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, якунига етиб бораётган йилни маҳалла муаммоларига бағишлаганимиз бу борада бошлаган ишларимизни давом эттириш, яна кўплаб ишларни эса жойидан силжитиш учун ўзига хос туртки бўлди. Авваламбор, маҳаллага кўпроқ аҳамият бериш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш, жамиятимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга доир қатор масалаларнинг қонуний асосда ҳал этилишига имкон туғилди.

Шу билан бирга, маҳалла тизимига доир айрим муаммолар ҳали-ҳозир ўз ечимини топмаганини ҳам эътироф этиш лозим. Бу масалаларни ҳал қилиш устида тинимсиз иш олиб бориш бундан буён ҳам бизнинг доимий эътибор марказимизда бўлиши керак.

Мисол учун, шу кунларда юртимизда бўлиб ўтаётган ўзини ўзи бошқариш идораларига сайловлар ҳал қилувчи босқичга кирганидан барчангиз хабардорсиз, албатта. Бу сайловларнинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти беқиёс.

Нега деганда, мамлакатимиздаги 10 мингга яқин маҳалла оқсоқоли, қарийб 75 минг раис маслаҳатчиси ҳамда турли комиссияларнинг раислари ана шу сайловлар орқали сайланади.

Бу масаланинг жамиятимиз ҳаёти учун муҳимлигини ҳисобга олиб, фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг ўрни ва фаолиятини қонуний нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш мақсадида уларни сайлаш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Ва уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ҳақида таклифлар тайёрлашни маъқул, деб биламан.

Кўряпсизки, азиз дўстлар, маҳаллаларимизни ва маҳаллада яшаётган одамларнинг ҳаётини том маънода обод этиш, оғирини енгил қилиш учун ҳали олдимизда яна талай вазифалар турибди. Биз шуни яхши тушунамиз, бошлаган кўпгина хайрли ишларимизни давом эттириш ва охиригача етказиш бир йил ёки битта дастур билан тугамайди, албатта.

Шу фикрларни инобатга олган ҳолда, юртимизда олиб бораётган барча савобли ишларимизга, эзгу интилишларга жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг эътиборини, бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш мақсадида мен кириб келаётган янги - 2004 йилни мамлакатимизда **Меҳр ва мурувват йили** деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Меҳр ва мурувват деганда, биз аввало, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишни тасаввур қиламиз.

Меҳр ва мурувват деганда, биз шаҳар ёки қишлоқ бўладими, ёрдам ва кўмакка эҳтиёж сезадиган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, турли сабабларга кўра ҳаётда омади келмаган, ўзини боқишга қийналаётган инсонларга моддий ва маънавий кўмак беришни назарда тутамиз.

Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз.

Бугун биз мана шундай эзгу мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, шуни айтиш зарурки, бундай қараш ва бундай сиёсат биз қураётган янги давлат, янги жамиятнинг қиёфаси ва маъно-мазмунига ҳар томонлама тўғри келади.

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Ҳа, бугун биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ҳаётимизда қарор топтириш йўлидан бормоқдамиз.

Лекин мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ, ўзимизга хос ва ўзимизга мос иқтисодиётни ва ижтимоий моделни, яъни устувор йўналишларни танлаган эканмиз, ўзгалардан фарқли ўлароқ, жамиятимизда ўта бойлар ва ўта қашшоқлар бўлиши маъқул эмаслигини эълон қилганмиз ва бизнинг бугунги амалий ҳаётимиз айнан шу мақсадга қаратилган. Бу ҳаётда ҳаммамиз ҳам бой бўлишни, бадавлат яшашни хоҳлаймиз. Ва бу табиий ҳол, табиий интилиш.

Албатта, шундай ҳаётни қарор топтиришда, ҳар қайси инсон Яратганнинг ўзи унга ато этган қобилиятини рўёбга чиқариши учун давлатимиз ва жамиятимиз барча шароит ва имкониятларни туғдириб бериши керак ва аввало, муҳтож оила ва одамларга тегишли ёрдамларни кўрсатиши лозим.

Лекин ўзи бадавлат яшаб турган пайтда ёнидаги қўшниси йўқчиликка дучор бўлиб, қийналиб кун кечираётганини кўрган, инсофи, виждони бор ҳар қайси инсон хайру эҳсон қилиш билан чекланиб қолмайди. Ёрдамга муҳтож бўлганларга баҳоли қудрат кўмак бериш, уларнинг кўнглини кўтариш билан савобли ишларга қўл уради, бу ишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. **Бу бизнинг асл миллий қадриятларимизга ҳам мос келади.**

Менинг имоним комил, ана шундай фикр-зикр билан яшаётган одамларга Яратганнинг ўзи қайтаради, бойлигига бойлик қўшади.

Муҳтарам юртдошлар!

Меҳр ва мурувват йили «Обод маҳалла йили»нинг мантиқий давоми бўлади. Обод маҳалла аввало обод кўнгилдан бошланади. Биз Обод маҳалла йили шиори остида бир йил яшадик. Бугун шу йил давомида амалга оширилган хайрли ишлар одамларнинг ички дунёсига, руҳиятига қандай ижобий таъсир ўтказганини исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Кириб келаётган йилни: **Меҳр ва мурувват йили** деб эълон қилишдан ҳам мақсадимиз - одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир. Дарҳақиқат, бизнинг азалий қадриятларимизга суяниб яшаб келаётганимиз 12 йил давомида ўзини оқлаганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва динимиз арконлари ҳаётимизга тобора кенг кириб бораётгани юртимиз аҳлининг бағрикенг, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишига, айниқса, ҳар қандай одамга парвоз учун қанот берадиган муқаддас бешик бўлмиш оилани мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мана шундай фазилатларни юртдошларимиз онгу тафаккурига сингдиришга муносиб ҳисса қўшаётган нуроний қарияларимизга, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига - мен шуни очиқ айтишим керак - ҳаётимизнинг оғир-енгилига бардош бериб, жамиятимизнинг таянч устунлари бўлиб келаётган муҳтарама оналаримиз, мунис опа-сингилларимизга мана шу минбардан яна бир бор таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Ҳар сафар сиз, азизлар билан кўришар эканман, мана шундай учрашувлар мен учун қувонч ва куч-қувват беради.

Бугун ҳам шу учрашувдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга қалбимдаги меҳр ва севгимни изҳор этиш имкониятига эга бўлганимдан ўзимни бахтиёр деб биламан.

Барчангизни Конституциямизнинг 11 йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Боши 1-бетда)

Бугун мана шу даврамизда ўтирган, ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган сиз - навқирон авлод вакиллари, Ўзбекистонимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган спортчи ёшларимизни қутлаш менга катта мамнуният етказади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизларнинг тимсолингизда барча спортчиларимизга келгуси йили Афинада бўладиган Олимпия ўйинларида зафарлар ёр бўлишини тилайман,- деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

- Бугун-эрта барча вилоятларимизда, меҳнат жамоаларида ҳам мукофотларни топширишга бағишланган мана шундай шодиёна маросимлар бўлиб ўтади, - деди Президентимиз.

Мен бугун - бепоён далаларда ёки корхоналарда бўладими, мактаб ёки олий ўқув юрти, тиббиёт ва маданият, хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими - барча жабҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, том маънода ватанпарварлик намунасини кўрсатаётган, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг юкини елкасида кўтариб келаётган жамики юртдошларимни бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман.

Худдики уларга ҳам юксак мукофотларни ўз қўлим билан топширгандек, кўксингизга ярашиб турган унвон ва нишонлар барчангизга буюрсин, сизларга омад ва бахт келтирсин, деб ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сиз орқали бутун халқимизни яқинлашиб келаётган Конституция байрами билан яна бир бор табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман,-деди давлатимиз раҳбари.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари Зикир Муҳаммаджонов ва Тўлепберген Қаипбергенов, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган марҳум адиб Шуҳратнинг ўғли «Ўртаосиётранс» ҳиссадорлик компанияси касаба уюшмасининг раиси Фикрат Алимов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти клиникаси бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Алиса Подпоренко, Андижон вилояти Жалақудуқ тумани ҳокими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Манзурахон Эгамова, Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Дўстлик» ордени нишондори Михаил Киктев ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси, «Дўстлик» ордени соҳиби Руслан Шарипов ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундаши, янги-янги зафарли марраларни эгаллашга илҳомлантиришини таъкидлади. Юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

(ЎзА)

СУРУР

# МУКОФОТ – МЕҲР РАМЗИ

***Меҳнат қилиш одам учун ҳаётий зарурат. Бирор касб-ҳунарни эгаллаш ёки бирор машғулот билан банд бўлиш замирида одамнинг тирикчилик ўтказиш, бола-чақа боқиш истаги, ўз соҳасини мукаммалроқ эгаллаш замирида эса бой-бадавлатроқ яшаш орзуси ётади.***

Бас, шундай экан, у аввало ўз орзулари йўлида изланади, кашфиётлар қилади, ҳаётини тўкисроқ, дастурхонини тўкинроқ этишга интилади. Бунга уни ўз ҳаётий зарурати ундайди. Қилган меҳнати, чеккан заҳмати, эришган ютуқлари учун ҳақ олади. Бу ерда ҳеч ким бир-биридан қарздор ёки бурчли эмас.

Аммо ана шу ўз зарурати учун қилган меҳнатидан халқига наф етса, Ватанининг равнақига ҳисса қўшилса, давлатини мустаҳкамлашга бирор йўсинда хизмат қилса, бу катта бахт. Ана шу хизматларини эл эътиборга олиб эътироф этса, Ватан ардоқласа, давлат рағбатлантирса, демак ундан-да комронроқ одам бўлмайди.

Инсон меҳнати билан қадрланади дейдилар. Аммо меҳнатнинг қадрига етиш учун ўша меҳнаткашга нисбатан самимий муҳаббат, халққа меҳр бўлиши керак. Ташвиқ ва тарғиб учун, одамларни сафарбар қилиш учун сохта "ударник"лару, ясама қаҳрамонлар яратиб, улардан, уларнинг номидан фойдаланиб бўлингач, тақдири нима билан тугаганидан ҳам хабари бўлмаган шўролар тузумининг мафкурасида меҳнат аҳлига меҳрдан кўра ўз сиёсатини ўтказиш устунроқ эди.

Инсон ўз қадрини топиши учун унинг халқи озод, Ватани мустақил бўлиши билан бирга давлати ҳам, сарвари ҳам халқпарвар бўлиши лозимлигини она Ўзбекистонимиз истиқлолининг ўн икки йили давомида ҳаёт исботлади. Кеча Оқсаройда давлатимиз раҳбари ўнлаб юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак унвонлари, олий нишонларини топширган кезларда хаёлимдан ҳазрат Алишер Навоийнинг

**Эй, Навоий қилма Жамшиду Фаридун васфиким,**
**Шоҳи Ғозийда карам аввалгиларга ўхшамас,**

деган сатрлари ўтди.

Ҳа, ўн икки йил давомида минглаб турли соҳа вакиллари Президентимиз Фармонларига биноан муносиб тақдирландилар. Улар ҳали айтганимдай ўз ризқини яратиш йўлида қилган меҳнатлари билан халқи ва Ватанини баҳраманд этган ҳокисор одамлар.

Бошқа жабҳаларни айтмай қўяқолай, ижод аҳлининг ўзини олиб кўрсак, ўн икки йилнинг ўзида адабиётимиз беш нафар арбоби Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Қорақалпоқ адабиёти тарихида Тўлепберген Қаипбергенов сиймосида Қаҳрамон ёзувчи пайдо бўлди.

Бугун собиқ салтанатнинг бутун қабоҳатларини бошидан кечирган, камситмоқчи бўлганларида ажойиб асарлари билан ўзлигини намоён қилган, адабиётнинг ўзидан кейинги барча авлодига раҳнамолик кўрсатган устоз Шуҳратнинг, ҳар бир сатри ҳикмат бўлган файласуф шоир ва адиб Асқад Мухторнинг оила аъзоларига "Буюк хизматлари учун" ордени топширилганда кўзимга ёш келди. Бундай табаррук зотларнинг руҳини шод этиш, иншооллоҳ, адабиётимиз равнақига ҳисса қўшгай.

Ишлаб чиқариш илғорлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, турли жабҳа вакиллари орасида камина ҳам муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов қўлларидан "Эл-юрт ҳурмати ордени" олиш насиб этганидан кўкларда парвоз қилиб юргандайман. Нокамтарлик бўлса ҳам (ўта камтарлик ҳам мақтанчоқликнинг бир кўриниши) айтиб қўяй, ўн икки йил орасида уч бора Президентимиз Фармонлари билан рағбатлантирилдим. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига, хокисорлиги ва заҳматкашлиги билан устоз Миртемирни эслатувчи Тўра Сулаймон, ҳозиржавоблик ва тезкорликда беназир Тўлан Низом каби сафдошларим қатори "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвонига сазовор бўлдим. Ана шу унвонни ҳам Оқсаройда Йўлбошчимиз топширган эдилар.

Вилоятда яшаб ижод қиладиган оддий бир қаламкашга шунчалик илтифот, шунчалик эътироф бўлган экан, давлат раҳбарининг ўз халқига меҳри беқиёслигига яна қандай исбот керак?!

Ахир урушда ҳалок бўлган бир шаҳиднинг ёлғиз ўғли эллик ёшга тўлгунча мукофот ё унвонга лойиқ кўрилиши у ёқда турсин, ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаганди-ку. Ҳолбуки, ўндан ортиқ китоби нашр этилган қаламкаш, тинимсиз журналист эдим. Бас, шундай экан, истиқлолга шукрона айтсам, унинг ижодкорини улуғласам, ярашмайдими?

Мукофотлар олиш – албатта, шарафли. Аммо ана шу ардоққа лойиқ бўлиш, ана шу эътирофнинг қадрига етиш, сени кафтида кўтарган, сенга юрагидан жой берган Йўлбошчига муносиб йўлдош бўлиш ундан-да шарафлидир. Яна эсимга ҳазрат Навоий сатрлари келади:

**Эй, Навоий собит ўлсин шоҳи Ғозий давлати**
**Оллида қул бўлмаган оламда султон қолмасин.**

Парвардигор давлатимиз собитлиги йўлида хизмат қилмоқ бахтини насиб этсин!

**Ҳабиб САЪДУЛЛА,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**




***2-модда.*** *Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.*

***

***8-модда.*** *Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.*

***

***13-модда.*** *Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.*

***

***18-модда.*** *Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.*

***

***20-модда.*** *Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.*

***

***22-модда.*** *Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.*

***

***24-модда.*** *Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.*

***

***28-модда.*** *Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.*

***

***35-модда.*** *Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.*

***

***50-модда.*** *Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.*

***

***54-модда.*** *Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.*

***

***64-модда.*** *Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.*

***

***116-модда.*** *Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.*

*Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.*

# ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

***66-модда. «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар».***

Касбим – ўқитувчи. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида дарс бераман. Ҳар йили юзлаб талабаларим бу даргоҳдан учирма бўладилар. Турфа феълли, турфа дунёқарашга эга бу ёшларни кузатиб, уларнинг ютуқлари билан бир қаторда ўзлигимизга хос бўлмаган ўзгаришларга ҳам мойилликларини кўраман.

Ёшларимиз вояга етган палладаёқ ҳам моддий, ҳам маънан мустақил бўлиш ҳаракатидалар. Ривожланган мамлакатлардаги ёшлар турмуш тарзига хос бу жиҳатга бизнинг ёшларда ҳам интилиш кучлилиги қувонарли албатта. Ахир эркинлик, мустақиллик ҳар бир ёшни ҳаётда курашга чорлайди. Бироқ мустақил бўлиш ўз ота-онасидан узоқлашиш, уларга ғамхўрлик қилмаслик деганимас-ку!

Мамлакатимиз Конституциясида демократик тамойиллар миллийлигимиз, ўзлигимизга хос омиллар билан омухта этилганини Қомусимизни ўқиб, ўрганган ҳар бир ўқувчи англаши қийинмас. Чунончи, биз шарқликларга, айниқса, миллатимизга мос – ота-онага бўлакча эътибор қаратиш, уларнинг розилигини олиб яшашдек муқаддас бурч Асосий Қонуннинг 66-моддасида алоҳида қайд этилган. У асосда қабул қилинган қонуний ҳужжатлардан Оила кодекси, Фуқаролик кодекси билан танишарканман, буларда ҳам айнан мана шу – фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ва мажбуриятлари хусусида алоҳида сўз юритилганлиги диққатимни тортади.

Афсуски, ёшларимиз орасида буни билса-да, кучдан қолган ота-онасининг лоақал ҳолидан хабар олмайдиганлари ҳам йўқ эмас. Тўғри, ҳукуматимиз, қолаверса, маҳалла-кўй томонидан фарзандлари ташлаб кетган, меҳнатга лаёқатсиз, ҳам жисмонан, ҳам руҳан заиф бўлиб қолган ота-оналарга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб келинмоқда. Аммо қариган чоғида оқ ювиб, оқ тараган фарзандининг ёнида бўлишини қайси ота-она хоҳламайди дейсиз?

Хулоса шуки, ҳар бир оилада фарзандларни тарбиялашда уларга ахлоқий меъёрларни сингдириш билан бирга ҳуқуқий маданиятни ҳам ўргатиш, аввало, Асосий Қонун билан таништириш, унда белгиланган нафақат фарзандлик бурч ва мажбуриятлари, балки фуқаронинг сиёсий, иқтисодий ҳуқуқлари борасида ҳам тушунчалар бериш дастуриламалимизга айлансин.

**Гулчеҳра БОБОБЕКОВА**



***Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимда "Биз қонунларнинг матни, маъно-мазмуни ҳақида кўп бош қотирамиз, аммо уларда белгилаб қўйилган талабларни амалга ошириш учун қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу қонунни жорий қилиш учун керак бўладиган актларни қабул қилишни, бу масала бўйича жавобгарликни жойига қўйишни кўпинча унутиб қўямиз.***

Шу сабабли ҳам қонунларимизнинг неча фоизи ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда, қанчасини тадбиқ этиш оғир кечмоқда" дея таъкидлади ва бу фикрлар, назаримизда, мулкий муносабатларда мавжуд ҳолатга ҳам тааллуқлидир.

# ҚОНУНГА ИТОАТ – БОШ МЕЗОН

Конституциямизнинг 54-моддасига кўра, "мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади". Аммо бу мулкдан фойдаланиш натижасида олинган фойдадан давлатга бериладиган солиқ тўловларини ҳаққоний равишда тўғри бўлган ҳолда тақдим этмаслик ҳуқуқий нигилизмни пайдо қилади ва бу қонун устунлигига эмас, балки уни инкор этиш ҳолатини вужудга келтиради ҳамда жиноят ёки ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши учун қулай шароитлар яратади.

Айнан шу вазиятда биз ниҳоятда огоҳ бўлишимиз шарт, негаки бу аста-секин конституциявий тузумнинг иқтисодий негизларини кемирувчи омил сифатида таъсир кўрсатиб, бутун иқтисодиётимизга катта молиявий зарбани юзага келтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ҳамда кафолатларини белгиловчи муносабатларни тартибга солади. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этишлари ва уларнинг манфаатдорлиги ва ишчанлик фаоллигини ошириш учун шарт-шароит яратиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Мазкур қонун бошқа қонун хужжатлари сингари ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Чунончи, мамлакатимизда солиқ солиш даражаси даромаднинг 30 фоизидан ортиқроқдир. Кўпгина давлатларда эса бу миқдор 13 фоиздан ошмайди. Демак, иқтисодий ва ҳуқуқий сиёсатимизда тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимлиги ҳаёт тақозоси билан юзага келган. Шу боисдан, мулкчилик муносабатларининг конституциявий жиҳатдан тартибга солинишини кафолатлаш учун иқтисодиётимизда ишлаб чиқарувчилар учун қулай ҳуқуқий шароитлар яратиш талаб қилинади.

Ўйлаймизки, бундай иқтисодий либераллаштириш мулкчилик муносабатларида ижобий таъсирини кўрсатибгина қолмай, балки ҳуқуқий интизомнинг кучайиши ва корхона раҳбарларининг ҳуқуқий нигилизмдан қонунга итоаткорликни афзал кўриши, бу эса солиқ тизимида жиноят содир этилишига нисбатан ўзига хос иммунитет яратилишига олиб келади.

Қонунга итоаткорлик эса Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда асосий омилдир.

**О.КАМАЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси.**




Б. АКРАМОВ олган сурат.

# ФИКРЛАШ ҲУҚУҚИ

***Очиғи, Конституция билан унчалик таниш эмас эдим. Яқинда ўғлим дарс қилаётганида китоблари орасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини олиб варақлаб, танишиб чиқдим ва нималарнидир ўзимга олдим.***

Буни тушуниш қийин эмасми, деб сўраганимда у, ушбу китоб ҳақида ўз билганича тушунтиришга ҳаракат қилди. Ва шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, уларнинг дарс жадвалида Конституцияни ўрганиш учун дарс соатларининг киритилганлиги қувонарли. Чунки мустақил давлатимизнинг тутган йўлини бир қарашда англаш қийин эмас. Фарзандларимизга унинг мукаммал ўргатилиши эса айни муддао.

Бугун мамлакатимизда ёшларга берилаётган имкониятлар, қаратилаётган эътиборларни айтмайсизми. Ўрганганга дунё кенг. Улар ҳам мустақил Ўзбекистон Конституцияси каби дунёга юзланишларида ушбу ихчамгина китобдаги ҳуқуқларини, бурчларини, мажбуриятларини ҳамда эркинликларини биринчи навбатда англаб етишлари фойдадан ҳоли эмас. Бу ҳақда 41-моддада ҳам "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга" деган сатрлар бор.



Ана шу жараёнда хаёлимда кечган ўйлар шу бўлди. Конституциянинг 29-моддасида келтирилганидай, ўғлим айтганидай "Ҳар ким фикрлаш ҳуқуқига эга".

**Холмурод ОТАБОЕВ,**
**тадбиркор.**

# ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

(Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг бўлажак Конституциясини ишлаб чиқишда ўзбек халқи аждодларининг давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги ғоя ва тамойилларидан ҳам кенг қамровда фойдаланилди. Жумладан, соҳибқирон Амир Темурнинг фарзандларга қилган васиятларидан: "Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг, адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун..." Бу фикрлар ўша даврда давлатни бошқаришнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Соҳибқирон учун асосий ғоя ҳисобланган адолат ва озодлик бугунги кунда ижтимоий адолатни ҳимоя қилишда асосий мезон ҳисобланмоқда.

Конституция лойиҳаси пухта ишлангандан сўнг конституциявий комиссия қарори билан 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Конституция комиссияси 1992 йилнинг 26 сентябрида 21 ноябрига қадар эълон қилинган лойиҳага нисбатан таклиф-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун яна иккинчи марта матбуотда эълон қилинди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Уларда лойиҳанинг ихчам, лўнда, чуқур маъноли ва барчага тушунарлилигига ёрдам берувчи мулоҳазалар билдирилди. Конституция халқимизнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули бўлди.

1992 йил 8 декабр. 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси. Унда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш ҳақида"ги масала кўрилди. Бу хусусда комиссия Раиси Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

Маъруза Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни республикада аввалги йилларда қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ демократик йўл билан тайёрланган бўлиб, унда йиллар давомида синовдан ўтган умуминсоний қадриятлар ўз аксини топганлиги, у кўплаб тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаларини ўзига сингдирганлиги алоҳида уқтирилди. Сессия иштиорокчилари якдиллик билан 6 бўлим, 128 моддадан иборат Конституцияни қабул қилдилар. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг тарихида биринчи марта халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларига, умуминсоний қадриятларнинг устиворлигига асосланган реал, туб маънодаги демократик Конституция яратилди ва кучга киритилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзига хос хусусиятларга эга, ҳуқуқий ва сиёсий тафаккурнинг энг юксак ютуқларини, ҳозирги замон конституциявийлик илмини мужассам этгани, ўзбек халқи маданияти ва миллий анъаналарининг чуқур илдизларига суянганлиги Бош Қомусимизнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги принциал сиёсий ҳужжат эканлиги яна шу билан характерланадики, унда Конституциянинг ижтимоий-сиёсий хусусияти, уни ривожлантиришнинг асосий ғоялари, республика ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу Конституцияда халқ азалдан орзу қилган, ўз тақдирини ўзи белгилаш қоидаси мукаммал тарзда ўрин олган. Шу боис Конституция халқ ҳокимияти принципларига асосланади ва уни мустаҳкамлайди. Халқ ҳокимияти деган ибора бутун ҳокимият амалда ва юридик жиҳатдан халқники эканлигини англатади. Халқ ҳокимияти ўз вазифаларини ҳам бевосита, ҳам ўзи сайлаган давлат органлари орқали амалга оширади. Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ва бугун Конституциямиз давлатимизнинг мустаҳкам асоси сифатида амалда.

**Турғун ТОШПЎЛАТОВ**

# ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР МАЖМУИ

***Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири – бу унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла таъминланганлигидир. Шу сабабли дунёдаги барча демократик давлатларда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, Конституция – Асосий Қонун йўли билан мустаҳкамланади ва кафолатланади.***

Худди шундай мамлакатимиз Конституциясининг муқаддимасидаёқ Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига содиқ қолиш, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатни намоён қилиш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашни мақсад қилиб олиш каби масъулиятларни зиммасига олганлигини эътироф этади. Унга кўра, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Бунда у ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Конституцияда мустаҳкамланган ушбу меъёрлар давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг асосини белгилаб беради. Бу борада Конституциямизнинг 19-моддасида шундай дейилади: ***"Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас".***

Айни пайтда Конституция Ўзбекистон фуқаросининг фақат энг асосий ҳуқуқлари ва бурчларини белгилайди. Асосий ҳуқуқлар ва бурчлар давлат ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Чунки фуқаронинг давлат идоралари, меҳнат жамоалари билан ўзаро иш олиб бориши натижасида шу муносабатлар юзага келади. Фуқаролик тушунчаси давлатни бошқаришда фаол қатнашувчи инсон деган таълимотдан келиб чиққанлиги ҳам бежиз эмас.

Бизда фуқаро билан давлат ўртасида қарама-қаршиликлар тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки Конституция ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонунлар шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва камолотга эришиши учун етарли имкониятларни яратади.

Шуни унутмаслик керакки, фуқароларга берилган кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар шахснинг давлат ва жамият ҳамда бошқа кишиларнинг қонуний манфаатларини чеклаш, обрў-эътиборини тушириш, уларга путур етказиш ва шунга ўхшаш мақсадларда фойдаланишга изн бермайди. Агар буни инобатга олмай бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкига, табиий муҳитга, жамоат ва давлат манфаатларига ҳамда бутун ҳуқуқ-тартиботга жиноий тажовуз қилинса, жиноят қонунлари билан жавобгарликка тортилиши аниқ. Бундай ҳолларда Конституцияда кўрсатилганидек, суд қарори билан фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланиши ёки улардан маҳрум этилиши мумкин. Лекин суднинг қарорисиз бундай қилишга бошқа ҳеч ким ҳақли эмас.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида Юртбошимиз томонидан Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари борасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш энг муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида алоҳида кўрсатилиши юқоридаги фикримизнинг далилидир.

**Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти доценти.**

# МАҲАЛЛА – ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИ

***Яқинда Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Обод маҳалланинг мазмун ва моҳиятини, миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли" кўрик-танловининг якуний республика босқичи бўлиб ўтди.***

Тадбирда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда бир қатор қўмиталар, жамғармалар, жамоат ташкилотлари фаол қатнашди.

Кўрик-танлов шартларига кўра, Конституциямиз ва миллий қадриятларимиз асосида маҳаллалар ва оилаларда тинч-тотув яшаш тарзини шакллантириш, ёшлар ўртасида Бош Қомусимизда белгилаб берилган кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг устувор йўналишларини тарғиб этиш, ёши улуғ отахону онахонларнинг бой ҳаётий тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлиқ, қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш каби қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрик-танлов ҳайъат мажлиси қарорига кўра Тошкент шаҳри Юнусобод тумани "Ўзбекистон Мустақиллиги" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Худойбердиев, Фарғона вилояти Қўқон шаҳри Акмал Икромов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳакимжон Умаров ва Наманган вилояти Наманган шаҳри "Гулбоғ" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Мунаввар Дадахоновлар биринчи ўринга лойиқ кўрилди.



Бундан ташқари кўрик-танлов якунида иккинчи, учинчи ўринлар соҳиблари ҳамда энг фаол, деб топилган маҳалла педагог тарбиячилари, посбонлари ва маҳалла профилактика нозирлари ҳам аниқланди.

Кўрик-танлов ғолиблари ҳамда уни ўтказишда фаол иштирок этган жамоат, давлат ташкилотлари фаолларининг бир гуруҳи тақдирланди. Ғолибларга совғаларни Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси А.Гадойбоев ва бошқалар топширишди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

# ДАСТУРИЛАМАЛ

***Мана, ўн бир йилдирки, мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституцияси амал қилиб келмоқда.***

Асосий қонунимиз асосида 400 га яқин қонун, 15 та кодекс қабул қилинди. Бугун улар амалда қўлланаяпти, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаяпти. Конституциясиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Чунки унда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ўз аксини топган. Конституцияни тайёрлашда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон, деган фикр илгари сурилган. Конституциямизнинг 22-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди".

Ўзбекистон Конституцияси ўзининг демократик моҳияти билан дунё аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозонди. Унинг XIV боби оилага бағишланган. 65-моддада: "Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади", дейилган. Дунёнинг конституция билан шуғулланувчи етакчи ҳуқуқшунослари ҳам кўпгина давлатларнинг Асосий қонунларида бундай моддалар йўқлигини таъкидлашади.

Конституциямизнинг 40-моддасида: "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга", дейилган. Бу ҳукумат фукароларнинг соғлиғи учун масъул эканидан далолат. Асосий Қонунимизнинг ҳар бир моддаси ҳақида хоҳлаганча фикр билдириш мумкин. 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра Ўзбекистон Конституциясига баъзи тузатиш ва қўшимчалар киритилди.

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Уларнинг ўз анъаналари бор. Лекин ҳар бир халқда фарзанд тарбияси муҳим вазифа саналади. 64-моддада: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар", дейилган бўлса, 66-моддада эса: "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар", дейилади. Умуман олганда, Конституциямизда халқимиз менталитетига хос кўплаб хусусиятлар акс этган. Бу эса халқимиз турмушида Асосий Қонун доимий дастуриламал бўлишидан далолат беради.

**Акмал АСРОРОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори.**

# ФЕРМЕРЛИК – МАНФААТДОРЛИК КАЛИТИ

***Хўжайли туман қишлоқ хўжалиги ходимлари учун амалдаги йил ҳар қачонгидан омадли бўлаяпти. Пилла топшириш, буғдой ва шоли сотиш йиллик шартномавий режалари анча ортиғи билан бажарилди. Қабул шохобчаларига пахта етказиб бериш ўтган йилга нисбатан 8 минг тоннага кўп бўлди.***

-Бу ютуқларнинг асосий омили иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирила борилиб, мулк шакли тубдан ўзгараётганлигидадир, - дея изоҳ беради туман ҳокими биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ғани Хўжамберганов. – Айниқса, ширкат ўрнига фермер хўжаликлари ташкил этилгани айни муддао бўлди. Шу йилнинг ўзида улар сони 60 тага кўпайди. Маҳсулот тайёрлаш миқдори кескин ортди. Деҳқон манфаат кўра бошлади, сарфланадиган маблағ 1,5-2 ҳисса камайди.

...Туманнинг "Амударё" фермер хўжаликлари бирлашмасида бўлганимизда бошқарма раҳбарининг фикри нақадар тўғри эканлигига гувоҳ бўлдик. Хўжалик ерлари асосан шўрхок, мелиоратив ҳолати мураккаб. Ишчи кучи кам. Шу боис қарийб ўн йилдирки, қолоқлик ботқоғига ботиб, иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолга келиб қолганди. Шу йил феврал ойи бошларида ширкат фермер хўжаликларига айлантирилиб, ерлар 34 нафар фермерга тендер асосида фойдаланиш учун берилди. Шундай фермер хўжаликлардан бирини Юрий Иванович Клачков бошқаради. Бу йил 50 баҳорни қаршилаган, қарашлари қатъий, ҳаракатларидан серғайратлиги шундоққина сезилиб турган полвонсифат Юрий асли хўжайлилик. Ота-боболари ҳам шу ерда туғилган. Падари Иван Михайлович асаларичилик билан шуғулланган. Юрий ҳам ота касбини давом эттириб, бир неча йил "Наврўз" хўжалигида асаларичи бўлди. Кейин механизаторликка меҳри тушиб, ҳар хил русумдаги техникаларни бошқарди, экскаваторчилик қилди. 2003 йил бошида эса куёви Омонбой Кенжагулов ва бошқа қариндоши Абдуллаевлар билан "Амударё"га келиб фермерлик тендерида қатнашиб, ғолиб бўлди. Уларга 17 гектар ер ажратиб берилди. "Йигитнинг зўри ер очар" деганларидек, илк баҳорданоқ экин-тикин учун астойдил киришдилар. Ерлар 5-6 йиллаб экин экилмай юлғуну янтоқлар босиб кетган эди. Фермер ишга

**ИСЛОҲОТ**

яроқсиз бўлиб, қаровсиз қолган Т-28 тракторини ямаб-ясқаб деганларидек таъмирлаб ишга туширди. Ерларни текислашди. Дала ишларида фермернинг 20 ёшар ўғли Захар, икки қизи, қариндошу дўст-ёронлар кўмакдош бўлди. Айниқса, чигит экиш мавсуми ҳақиқий имтиҳон бўлди. Илк баҳордан июн ойигача камида 45 кун деярлик муттасил ёмғир ёғди. Устига-устак коллектор-зовурлар тозаланмагани боис ер ости сизот сувларини чиқариб юбориш қийин кечди. Натижада ерлар ўта кеч тобга келиб, охирги пайкалга июн ойида чигит экилди.

-Қаттиқ меҳнат қилиш сабабли экинлар ривожидаги кечикишни етказиб олдик, - дейди у. Фермер Юрий Клачковнинг вагон уйчасидаги суҳбатимиз шундай бошланди. У соф ўзбек тилида чиройли талаффуз билан равон гапирарди. - Кўп миқдорда маҳаллий ўғит чиқазганимиз ўсимликлар ривожида қўл келди. Шу боис минерал ўғитга эҳтиёж кўп сезилмади.

Мазкур хўжаликнинг "Олға", "Истиқлол", "Ажиғали", "Компания Ли" каби фермерлари ҳам йилни катта ютуқлар билан якунлаётган эканлар. Натижада "Амударё"да ўтган йили 110 тонна пахта топширилган бўлса, бу йил давлатга сотилган пахта 870 тоннадан ошиб кетди. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа соҳаларида ҳам натижалар қувонарли.

-Шубҳасиз, бу ютуқларга мулк шакли ўзгариб, ҳар бир ишловчида ишонч ҳисси мустаҳкамлангани, манфаатдорлик ортгани сабаб бўлди, - дея гурунг беради бирлашма раҳбари Юсуфбой Бекмуротов. – Бу йил 41 фермер яхши ният билан иш бошлаганди. Шулардан 34 таси деҳқончилик билан шуғулланди. 1200 гектарга экин экдик. Шундан 780 гектарида пахта етиштирилди. 2002 йили 400 гектар эди. 140 гектарда шоли, 65 гектарда кунгабоқар, 150 гектарда ғалла етиштирилди. Қабул шохобчаларига 160 тонна буғдой, 305 тонна шоли топшириб, йиллик шартномалар бажарилди. Фермерлик ҳаракатининг энг мақбул жиҳати – иқтисод қилиш бош мақсад қилиб қўйилади. Ширкат пайтида бошқарув аппаратида 46 киши ишлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 8 кишини ташкил қилади. Шунингдек, 2002 йилга нисбатан 600 тонна маъданли ўғит иқтисод қилиниб, 36 миллион сўм, 450 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари кам сарфланиб, 30 миллион сўм тежаб қолдик. Олтин Боймурзаева биолабораторияхизмати йўлга қўйилди. Ўсимликларга биологик усулда ишлов берилди. Хўжалик бир йилдаёқ қаддини тиклаб олишида муқобил МТП ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ходимлари қўшган ҳисса катта бўлди. Айниқса, ирригация тармоқларини тозалаш, сув тақсимлаш талаб даражасида йўлга қўйилди. 9 та электр насослари узлуксиз ишлатилиб, "Хатеп", "Шодиёп", "Туркманёп", "Иванёп" каналларидан сув далаларимизга равон оқиши таъминланди. Кези келганда фермер хўжаликларига "Пахта Банк"нинг Хонсулув Сейтимбетова бошқарувчи бўлган мини-банки маблағни вақтида етказиб бериб, мададкор бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, фермерларнинг дастлабки йил қадамлари қутлуғ келди. Келажакка ишонч мустаҳкамланди. Фермерлик ҳаракати муваффақияти учун Юртбошимиз доимо раҳнамолик қилаётганидан уларнинг бошлари кўкка етмоқда. Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармон ишбилармонликни кенг авж олдириб, тежамкорликка эришиш, пировард натижада кўп ва аъло сифатли маҳсулот етиштириш, деҳқон ва фермер манфаатдорлигига эришиш йўлида дастуриламал бўлишига комил ишонч билан қаралмоқда. Бирлашма фермерлари бу ҳужжатни ҳам имтиёз, ҳам имтиҳон, дея тўғри тушуниб, келаси йилга пухта тайёргарлик юмушларини ҳар қачонгидан барвақт бошлаб юборишди.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### МЕҲРИБОНЛИК

**Тошкент давлат хореография Олий мактабида "Меҳрибонлик – халқимизнинг олий фазилати" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

**Тадбирда "Меҳрдан яралган инсон", "Меҳрибонлик – инсон зийнати" ҳамда "Меҳр-мурувват, меҳрибонлик шаклланишида ўзбек оиласининг роли" мавзуларида маърузалар тингланди.**

### "ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МЕНИНГ"

**Термиз шаҳар маданият уйи қошидаги "Нур" вокал чолғу асбоблари дастаси ҳарбий қисм аскарларининг ҳарбий қасамёд қабул қилишлари муносабати билан ўзларининг театрлаштирилган томошалари, ранг-баранг концерт дастурларини намойиш этди.**

### МЕРОС

**Кармана туманидаги Алишер Навоий номли маданият уйида "Аждодларимиз мероси" туркумидан "Миллий мусиқа мероси" мавзуида мақом кечаси ўтказилди.**

**Нурота туман марказий кутубхонасида эса "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" мавзуида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.**

### ЯНГРА, ДУТОРИМ...

**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида "Ўзбекистонда чолғу ижрочилиги муаммолари" мавзуидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

### ТАНЛОВ

**Сурхондарё вилояти Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази томонидан Халқ драма ва қўғирчоқ театрларининг кўрик-танлови ўтказилди.**

**Гуларо АБДУЛЛАЕВА**

## ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

### САЙЛОВ ҲАМЖАМИЯТ НИГОҲИДА

***Кеча тонгда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 450 нафар вакили Россия Федерациясида бўлиб ўтадиган парламент сайловларида бевосита кузатувчи сифатида иштирок этиш учун Москвага етиб келди.***




Уларнинг орасида ҳуқуқшунослар, дипломатлар, журналист ва ҳатто кинематографлар бор. Бугун эрталаб эса кузатувчилар Санкт-Петербургдан то Владивостоккача бўлган ҳududдаги сайлов участкаларига тарқалиб кетишди. Энди уларнинг олдида сайлов жараёнининг ҳуқуқ нормаларига риоя этилган ҳолда олиб борилишини тафтиш қилишдек мураккаб вазифа турибди. ЕХҲТ махсус комиссиясининг матбуот котиби Уду Гуннарсдоттир бу хусусда фикр билдирар экан, "Россия демократия тамойилларига тўла амал қиладиган давлат. Мен ўйлайманки, кузатувчиларнинг бизга тақдим этадиган ҳисоботлари ҳам буни яна бир карра тасдиқлайди", дея таъкидлаган.

### ГУМОНДОР АНҚАРАДА

***Ўтган ойда Истамбулда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатларининг ташкилотчиси деб гумон қилинаётган Туркия фуқаролари Хильми Тулуелу ва унинг рафиқаси Лайло хоним Суриядан Анқара шаҳрига олиб келинди.***



Энди улар тергов жараёни ниҳоясига етгунига қадар ҳибсда сақланишади. Тахминларга қараганда, эр-хотинга кўмак берган бошқа террорчилар улардан фарқли ўлароқ "Ал-Қоида" ташкилотининг ҳарбий дала машқлари ҳамда Чеченистондаги уруш ҳаракатларининг фаол иштирокчиларидир. Маълумки, Истамбулда амалга оширилган теракtlар оқибатида олтмиш нафардан ошиқ киши ҳаётдан бевақт кўз юмган эди.

### НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

***Италия пойтахти Римда Берлускони ҳукумати юритаётган сиёсатга қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди.***



Намойишчилар мамлакат коммуникация вазири Маурицио Гаспарининг лойиҳаси асосида тайёрланган электрон ОАВ тўғрисидаги қонунни демократия ва сўз эркинлигини чеклашга уриниш, дея баҳолашмоқда. Уларнинг фикрича, айни кунда мамлакат телетармоғининг тўқсон беш фоизини ўзида сақлаб турган Сильвио Берлускони мухолифатнинг овозини бўғиш учун барча телеканалларни монополиялаштириб олишга интилмоқда. Эндиликда улар мамлакат президенти Карло Чампидан умид қилишаётир. Чунки, Италия қонунчилиги бўйича президент ўзи конституцияга зид, деб топган қонунларни имзоламаслик ҳуқуқига эгадир.

### ҚУЛАБ ТУШДИ

***АҚШнинг Калифорния штатига қарашли Карсон Сити шаҳарчасида "Good year" фирмасининг ҳаво дирижабли ҳалокатга учради.***



"Америка руҳи" деб аталувчи мазкур ҳаво кемаси шаҳар устидан учиб ўтаётганида бошқарувни йўқотиб, шу ўртадаги боғдорчилик хўжалигига қулаб тушган. Йўловчиларнинг бахтига дирижабль ёнилғиси – гелий гази резервуардан чиқиб кетмади. "Америка руҳи"нинг қулаб тушгани қанчалик қайғули бўлса, фожиа оқибатида ҳеч кимнинг шикастланмаганлиги шунчалик қувончлидир", дея хабар беради "The New York Times" газетаси.

### НАТО КЕНГАЯДИМИ?

***Яқин кунлар ичида НАТОнинг бош қароргоҳи жойлашган Брюссел шаҳрида Россия – НАТО Иттифоқининг навбатдаги кенгаши ўтказилади. Мазкур Иттифоқнинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.***



Бироқ, мана шу қисқа давр ичида халқаро терроризм, оммавий қирғин қуролларининг кенг тарқалиши ҳамда наркобизнес каби бир қатор глобал муаммоларни бартараф этишда унинг ҳиссаси анча сезиларли бўлди. НАТО раиси Жорж Робертсоннинг таъкидлашича, "совуқ уруш"дан кейинги ўн икки йилдан буён томонлар ана энди чинакам муроса йўлини топа олишган". Ўтказилиши режалаштирилаётган Кенгашда Ж.Робертсон охирги маротаба раислик вазифасини бажаради. Негаки, 2004 йилнинг 1 январидан эътиборан НАТО ташкилотининг раҳбарлиги айни кунларда Нидерландия ташқи ишлар вазири лавозимида фаолият кўрсатаётган Яяп де Хооп Схефферга топширилади.

"НАТОнинг янги раиси Россия манфаатларини ҳурмат қилишига ишонамиз. Кенгашда бир қатор масалалар доирасида НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши режаси ҳам алоҳида кўриб чиқилади. Биз бунга қарши эмасмиз, бироқ тинчликни асраш учун ташкилотни кенгайтириш керак, деган фикрга қўшилолмаймиз" дея таъкидлаган Россия ташқи ишлар вазирлиги матбуот ва ахборот департаменти директори А.Яковенко. Эслатиб ўтамиз, келаётган йилда Болгария, Руминия, Словения, Словакия каби давлатлар билан бир қаторда Литва, Латвия ва Эстония ҳам НАТО таркибига қўшилади.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида**
**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

# ЧЕТНИНГ ДОНИДАН ВАТАННИНГ СОМОНИ ЯХШИ

***Ўтиш даври буҳронларида гангиб, сабр-қаноатни унутиб, енгил луқма илинжида чор тарафга изғиб кетганлар бугун ўз юртларига қайтиб кела бошладилар. "Ўз уйинг, ўлан тўшагинг бўлсин экан" дейишмоқда улар.***

Паст Дарғом туманидаги "Хончарвоқ" хўжалиги ҳудудида тўртта – Хончарвоқ, Қайроғоч, Сариқул, Ўмакай қишлоқлари мавжуд. Хончарвоқ ва Элбек маҳалла оқсоқолларининг айтишича, бу ерда 6,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Уч-тўрт йил бурун ана шу аҳолининг 600 нафардан зиёдроғи хорижга насиба ахтариб кетишган эди. Яна қанчалари мардикор бозорига қатнашни одат қилишди. Вақти-соати келиб

**ЭВРИЛИШ**

ҳукуматимиз ички муаммоларни босқичма-босқич ҳал эта бошлади. Ер ўзининг ҳақиқий эгаларига берила бошлади. Фермерлар янги замон кишилари сифатида фаолиятни бошладилар...

Одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати ўзгаришида аграр соҳадаги ислоҳотлар муҳим ўрин тутмоқда. Ҳар ким меҳнатига яраша манфаат кўрмоқда. Чек юритиш, даромаду буромад ҳисоб-китоби ширкатчининг ўз измида. Ҳосилдорликнинг ошиши, сифатнинг яхшиланишидан фойда кўра бошлаган, ортиқча маҳсулотни рўзғорига олиб қолаётган, пахтаси учун ёғ, ем, шрот олаётган оилалар кўплаб топилади энди.

-Томорқа экинзорлари, қўшимча ер даромад манбаига айланди: Кечагина титраб-қақшаб турган хўжаликлардан тарқала бошлаган умидли муждалар четга чиқиб кетганларни ортга қайтара бошлади. Бу қишлоқ деҳқонининг қадди ростланаяпти, дегани эмасми, - дейди Ургут тумани ҳокимлигининг Паст Дарғом туманидаги мадад штаби бошлиғи Ҳабиб Қаҳҳоров.

Ўз оиласи бағрига қайтган, нурийдайдалари билан ҳаловатда яшай бошлаган Фарҳод Нафасовнинг сўзларига қулоқ тутинг:

-Рости гап, оиламиз жуда қийналиб қолганди. Иш ҳақимизни вақтида ололмасдик. Шу боис Россияга ишлаш учун кетдим. Кетдим-у хато қилганимни англадим. Муаммолар ўткинчи эканлигини, ўзга юртнинг донидан ўз юртингнинг сомони яхши эканини кеч тушуниб етдим. Саргардонликдан қайтгач, оилавий ширкат тузиб, ишлай бошладим. Даромад яхши, омбор тўла дон. Қозонимиз қайнаяпти, нонимиз бутун. Бундан ортиқ яна нима керак бизга?

-Мен ҳавойи ҳаваслар билан Уфага кетган эдим, бирим икки бўлмай қайтиб келдим. Ўз даламга қайта меҳр қўйдиму ўнгландим. Ширкат аъзоларига берилаётган имтиёзларнинг барчасидан манфаатдорман, - дейди Фазлиддин Меломов.

-"Бўлинганни бўри ер, айрилганни айиқ" деган ҳикмат бор. Биз қайта бирлашдик. Ишларимиз ижобий томонга юра бошлади, - дейди "Хончарвоқ" хўжалиги раҳбари Баҳодир Нурмуханмедов. – Бу йил ғаллакорларимиз гектар ҳисобига 46 центнердан ҳосил олишди. 764 гектарга келгуси йил учун уруғлик сепиб, тўлиқ ундириб олдик. Пахтачиликда ҳам қолоқликка барҳам берилди. Режа 14 октябрдаёқ ошириб бажарилди. Ноябрнинг ярмига келиб 148 фоизга етди. Ана шу ҳосилнинг 108 фоизи 1-2 навларга сотилди. Ҳудудимиздаги "Жавоҳир", "Ёдгор", "Ашур бобо" фермер хўжаликлари эришган натижалар ҳам қувончли бўлди. Хуллас, 1998-2000 йиллар санацияда бўлган хўжалигимизда бу йил ғалладан 130, пахтадан 150 миллион сўм даромад қилишга эришилди. Соф фойда ҳисобидан тўхтаб қолган газлаштириш ишларини бошлаяпмиз, маориф, маданият, тиббиёт масалаларида режали ишлар қилинаяпти. Бундай эврилишларда ургутлик биродарларимизнинг кўмаги катта, албатта.

"От айланиб қозиғини топади", деганларидек, маҳалладошларимиз хориждан ҳориб қайтмоқда. Тўпори қилиб айтганимизда, адашганлар ўзига келиб, ўзанига қуйилмоқда. Ҳа, буни ҳаёт дейдилар. У ўзининг равон ва паст-баландликлари билан, қувонч ва ташвишлари билан, тўғри тўхтамлари-ю хатоликлари билан уйғунликда ширин.

**Ўктам КУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**-Бугун 7 гектарлик узумзору олмазор ўзимники, - дейди Булунғур туманидаги "Қоракамар" фермер хўжалиги соҳиби Абдумўмин Одилов. – Тепангда турволиб уни қил, буни қил дейдиган йўқ, маҳсулот керакми, ишлайсан. Эркинлик, манфаатдорлик туфайли боғларни яшнатиб қўйганмиз. Муҳими рўзғоримиз обод, дастурхон тўкин. Деҳқону боғбонга бошқа нима керак?**
**СУРАТДА: тажрибали боғбон Абдумўмин Одилов.**

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

# "ХОРАЗМБАЛИҚ"ДА ЖОНЛАНИШ

***Мулк эгали, раҳбар тадбиркор бўлса, ишда муваффақият бўлиши табиий. Омилкорлик билан қилинган ҳар қандай меҳнат эса самара бермай қолмайди.***

Шу тамойилдан келиб чиқиб, "Хоразмбалиқмаҳсулотлари" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти фаолиятига назар ташласак, ўтган йилларда жамоат мулкига хўжасизларча муносабатда бўлинганини илғаш қийинмас. Раҳбарлар ўртасидаги бош-бошдоқликлар, ишдаги ўзбошимчалик, маблағларни иккинчи даражали нарсаларга сочиб юборилиши оқибатида ишлар кун сайин орқага ботиб кетаверди. Натижада 187 нафар ходим ишлайдиган мазкур жамоа қулоғигача қарзга ботиб қолганди. Шу йилнинг баҳорида бўлиб ўтган акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятнинг янги раҳбари сайланиб, Кузатув Кенгаши аъзолари ўзгартирилди. Бугун корхона жонлангандек, назаримизда.

Ғалвирни сувдан кўтарадиган дамлар... Хўш, ўтган қисқа давр мобайнида жамоада қандай ўзгаришлар бўлди? Маҳсулот етиштириш ва харидорларга етказиб бериш борасида ижобий силжишлар рўй бераптими? Муаммолар ечими қандай? Биз юқоридаги саволлар билан жамоа бошлиғи Қаландар Собировга мурожаат қилганимизда, олиб борилаётган ишлар ҳақида у шундай фикрларни билдирди:

-Оддий қилиб айтганда, кам чиқим билан кўп маҳсулот етиштириб, унинг сифатли ва харидоргир бўлишини таъминласаккина, кўзлаган мақсадга эришиш мумкин. Маҳсулот кўпу аммо, харидор топилмаса, бундан ҳеч қандай фойда йўқ.

Бир мисол: ўтган йили килограмми 1000 сўмдан жами 109 тонна балиқ, музхонада 5 ой сақланган. Барчага аёнки, маҳсулот сотилмасдан қанча вақт турса, ҳаражати шунча ошади. Шунинг учун биринчи

**ЖАРАЁН**

галдаги вазифаларимиз қаторига харидор топиш масаласини ҳам киритдик. Мавсумдаги маҳсулотни сотиш учун "Хоразмгўштсутсавдо" очиқ акциядорлик жамияти, Урганч туманидаги Ш.Зарипов номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, Янгиариқ, Боғот тумани умумий овқатланиш корхоналари, "Ғазовот" улгуржи базаси, вилоятда жойлашган ҳарбий қисмлар, Урганч шаҳар ва вилоят Халқ таълими бошқармаси тизимидаги ўқув юртлари ва шу каби бир неча идора ва ташкилотлар билан шартнома имзоладик. Шунга мувофиқ балиқ ва балиқ маҳсулотларини ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Баъзилар балиққа сув бўлса, бўлгани деб ўйлашади. Тўғри, балиқнинг тириклиги сув билан, аммо у ҳам барча жониворлар қатори озиқлантиришни, парваришни талаб қилади. Ем сифатли бўлмаса, турли касалликларга учраши турган гап.

Ихтиёримиздаги 1473 гектар сув ҳавзасининг 992,1 гектарида товар балиқ, 99,2 гектарида чавоқлар, 23,2 гектарлик қисмида она балиқлар боқилади. Ҳавзаларнинг бир қисми сунъий кўллардан иборат. Авваллари кўлларга фақат бойлик манбаи деб қаралиб, ҳолидан хабар олинмаслик, эътиборсизлик оқибатида кўллар мўлжалдагидан саёзлашиб кетган. Ҳозирда 338 гектар кўл таъмирталаб аҳволда. Уларни экскаватор ёрдамида тозалаш ишларини бошлаб юборганмиз. Бу ҳам келгусида балиқ етиштиришни кўпайтириш омилларидан биридир.

Очиғини айтиш керак, жамиятни қисқа муддатда тўлиқ оёққа турғазиб, катта фойда олиш қийин. Фаолиятимизда Янгиариқ туман ҳокимлигининг ёрдами катта бўлаяпти. Уларнинг кўмагида 25 тонна омухта ем олинди. Керак пайти техникадан ёрдам олаяпмиз. Жамиятимиз қошида "Балиқчи Каттабоғ" агрофирмаси ташкил қилиниб, у кераkli миқдорда кредит ҳисобидан пул маблағи билан таъминланди. Бунга омухта ем, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олганимиз боис, бу масалада муаммо йўқ. Бироқ, икки йилдан буён воҳада сув кўплигидан табиий кўлларда ҳам балиқлар кўпайди. Оқибатда ён-атрофдаги ва вилоятдан ташқаридаги кўллардан маҳсулот келтирувчи хуфёна балиқчилар кўпайиб кетди. Бундайлар балиқни истаган нархида сотаверади. Бизнинг маҳсулотимизни сотишда мана шу нарса ҳам муаммо бўлаяпти...

Жамоамизда шу кунгача 75 тонна балиқ сотилиб, 58779 минг сўм даромад қилинди. Режамиз эса йил охиригача сотиладиган маҳсулот миқдорини 700 тоннага етказиб, 332500 минг сўм даромад қилишдир.

...Балиқчилар шаҳарчасида 200 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Мактаб, болалар боғчаси ишлаб турибди. Балиқчилардан Саъдулла Султонов, Комилжон Панаев, Рўзмат Дўстжонов, Омон Оллоназаровлар билан суҳбатлашганимизда бу йилги маҳсулотнинг мўллигидан, сўз очишди. Балиқнинг мўллиги, дастурхонимиз тўкинлигининг бир қисмини таъминлайди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# ДОҒДА ҚОЛМАЙ ДЕСАНГИЗ...

***Вазирлар Маҳкамасининг 12 ноябрдаги 667-сонли фармойишига асосан республикамизда 20 ноябрдан 20 декабрга қадар "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда.***

Халқ хўжалигини ва турар жойларни ёнғин хавфсизлиги талабларига мос ҳолга келтириш, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда фуқароларнинг шу масалага бўлган масъулиятини ошириш, ёнғин, портлаш ва бошқа ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб бориш бу муҳим тадбирнинг энг асосий вазифалари ҳисобланади.

Шу йилнинг ўтган ўн ойига назар ташлайдиган бўлсак, республикамиз ҳудудидаги аҳоли турар жойларида, бино ва иншоотларда содир бўлган ёнғинлар сони 12.409 тани, кўрилган моддий зарар 730 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди. 775 киши жароҳат олди. Энг ачинарлиси, ёнғин оқибатида 126 фуқаро ҳаётдан кўз юмди.

Ушбу вазиятдан келиб чиққан ҳолда талафотларни камайтириш ва ойликни самарали ўтказиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Уларни таҳлил қиладиган бўлсак, бир неча йиллардан бери ўтказилаётган ёнғин хавфсизлиги ойликлари ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Масалан, кейинги беш йил давомида содир бўлган ёнғинлар сони аввалги вақтга нисбатан 4248 тага, ёнғинларда тан жароҳати олган фуқаролар 870, ҳалок бўлганлар 117 кишига камайишига эришилди.

Аҳолини ойлик тадбирларга кенгроқ жалб қилиш ҳамда тушунтириш ишларининг салмоғини ошириш мақсадида 720 мингдан ортиқ нусхада эслатма, плакат ва шиорлар тай-

**ЭҲТИЁТ-ШАРТ**

ёрланиб, жойларга тарқатилди. Корхона, маҳалла қўмиталари, мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда фуқароларнинг оммавий йиғилиш жойларида фойдаланиш учун кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган 2387 та ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.

Бунёд этилаётган бино ва иншоотларда ёнғинга йўл қўймаслик учун бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Қурилаётган мактаб, лицей, коллежлар, тиббиёт масканлари замонавий техника воситалари билан жиҳозланиши лозим. Афсуски, баъзан "ҳайбаракалла"чилик, "мендан кетгунча..." қабилида иш тутиш ҳамда лоқайдлик оқибатида ёнғин хавфсизлиги хизматининг талаблари иккинчи даражага тушиб қолиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бу эса вақти келиб, бу биноларда ёнғин келиб чиқишининг эҳтимолини оширади.

Мазкур иншоотларнинг замон талаблари асосида жиҳозланишида ёнғин хавфсизлиги меъёрларига амал қилиниши зарур. Зеро, бу қоидаларнинг тўла-тўкис бажарилиши келгусида уларни ёнғин офатидан сақлаш кафолатидир.

Бу меъёрий қоида талаблари қуйидагилардан иборат: қурилиш жараёнида лойиҳадан четга чиқмаслик, бино ва теварак-атроф бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозланган бўлиши, ички ва ташқи ёнғинга қарши сув олгичлар билан таъминланиши, биноларда ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация ва ҳаво ҳайдаш тизими талаблар асосида ўрнатилиши, фавқулодда ҳолатларда қутқариш йўллари чизмаси бўлиши керак. Булардан ташқари қурилиш олиб борилаётган жойларда барча ишчи ва хизматчилар, айниқса, газ ва электр пайвандчилар ёнғин хавфсизлиги йўриқномаси билан таништирилиши, журналга қайд этиш, кўчма вагонларда ясама электр печкалардан фойдаланмаслик талаб этилади. Буларга риоя этиш ёнғин хавфини бартараф этишга хизмат қилади.

**Равшан АҲМЕДОВ,**
**Ички ишлар вазирлиги ЁХББ МТЭБ муҳандиси, катта лейтенант.**

ТАҚДИМОТ

# "ЭЪЗОЗ"

**_Кейинги вақтларда "Ўзбекфильм" студияси ижодкорлари ҳам турли долзарб мавзуларга бағишланган туркум ҳужжатли фильмлар яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда._**

Хусусан, Юртбошимиз томонидан "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинган 2003 йилда ушбу тизимнинг мазмун-моҳияти, унинг ҳаётимиздаги аҳамиятини очиб берувчи фильмлар яратишга киришилган эди. Бундай саъй-ҳаракатлар маҳсули ўлароқ, бундан бир қанча вақт аввал "Маҳаллангт тинч – сен тинч" номли ҳужжатли фильм яратилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилган эди.

Яқинда эса ана шу мавзуга бағишланган "Эъзоз" ҳужжатли фильми тақдимоти бўлиб ўтди. Қарийб ярим соат давом этадиган мазкур фильмда асосан маҳаллаларимизда қадим замонлардан шаклланиб келган бой миллий урф-одатлар, қадрият ва анъаналар ҳақида ҳикоя қилинади. Асрлар давомида халқимиз томонидан эъзозланиб келинаётган қадриятлар – табаррук масканларни асраб-авайлаш, халқ ҳунармандчилигининг авлодлар оша давом этиб келиши, ёш авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни сингари мавзулар республикамизнинг турли бурчакларидаги ибратли маҳаллалар фаолияти мисолида атрофлича ёритилган. Ўз навбатида, унда истиқлол йилларида маҳаллаларимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ҳам кенг ўрин берилган.

-Фильмни яратишда F.Раҳматуллаев, З.Ҳамидов, Н.Камолова, В.Раҳимов, F.Бобоевларнинг хизматлари катта бўлди, - дейди унинг режиссёри Эргаш Нормуродов. – Биз ҳар бир картина устида жиддий бош қотиришга ҳаракат қилдик. Зеро, маҳаллаларимизда шаклланган ўзига хос турмуш тарзини имкон қадар тўлиқроқ қамраб олиш катта масъулият талаб этар эди.

Фильм яқин кунларда Ўзбекистон телевидениеси орқали томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Эътиборли жиҳати, "Ўзбектелефильм" ижодкорлари айни кунларда бу мавзуга бағишланган "Оқсоқол" номли ҳужжатли фильмни ҳам тасвирга олишмоқда.

**Fафур ШЕРМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# МЕҲМОН КЕЛАР ЭШИКДАН...

(Боши 1-бетда)

Меҳмонхона деворлари безаксиз, аммо ойнадек текис қилиб сувоқ қилинган. Дастурхоннинг икки тарафида саккиз-ўн чоғли одам ғийбатдан, бид-бид-у, миш-мишдан буткул холи суҳбат қурмоқда. Мавзу шукроналик, тан-сиҳатлик, фарзандлар бахту камоли, ширин орзулар рўёби, қариндош-уруғчилик меҳри-оқибати, қудачилик минг йиллиги, кўпдан кам қилмаслик, кўпга бериб қаторидан қуруқ қолдирмаслик, дўстга зор, душманга хор этмаслик, дўст-биродар дийдоридан дариғ тутмаслик, меҳр-оқибат, вафо садоқатдан худо айирмаслиги, узоқ сафарларнинг бехатарлиги нияти, юртнинг, элнинг тинчлиги барқарор бўлиши хусусида. Тўрда от сўйишни буюрган оқсоқол қария. У аҳён-аҳён гапга қўшилади. Хаёлида ўғлининг дўстларини одамохунлиги, дастурхон кўрганлиги, суҳбатларида мантиқ мағзининг тўқлиги, энг муҳими, ташриф оқибати бахайр эканлиги, тасаллисидан қониқиш фикри чарх урмоқда. У йигитлигини, дўстларини хотирламоқда. Унинг ҳам оёғи остида сўйилган қўйлар-у, отлар сони беҳисоб бўлган. Шунинг учун ҳам у бугунги ўз амридан хурсанд. Юрагида афсус йўқ, севинч бор! Ачиниш йўқ, суюниш бор.

У бугун ростмана, покиза суҳбатдан дил ёзиб қонганидан хурсанд. У бугун юрагида ўчиб бораётган дўстлар хумори қўзғалиб, тобора кўрга айланиб бораётган кекса юрак алангаси тағин ёнганидан ўзида йўқ шод. От топилади, садоқатли дўст топиш мушкул. Дарвозангни тақиллатиб сўраб келган дўстдан борингни аяма. Сен худонинг яхши кўрган бандаси бўласан. Ишонавер, ўғлим, ишон.

Қарияни мен ҳам ёқтириб қолдим. Марҳум Ўроқ бобомни эсладим. Раҳматли отам кўз олдимдан ўтди. Уйимизга меҳмон келган кунлари ярим оқшом бўлса-да, бироз ухламай туришимни ҳар замон, ҳар замон уқтириб турарди, отам. Сабаби, яна битта удум бор эди. Дастурхон фотиҳасидан кейин меҳмонлар қўлига сув қуйиларди. Офтобада илиқ сув, чоғроқ дастшўй тутиб, елкага сочиқ ташлаб овқат танаввул қилганлар қўлига бир-бир сув қуйиб чиқардим.

-Уйингда меҳмон бўлса, мушугингни пишт дема, - дерди Ўроқ бобом. – Кўнглига малол олиши мумкин. Қаранг, меҳмоннавозлик одоби қанчалик нозик саналган бизда. Меҳмоннинг келиши ўзидан, кетиши уй соҳиби ризолиги билан дейилади, яхши меҳмонларга қарата. Меҳмоннинг кўнглини тоғ қилади бу илтифот. У ташрифидан ризолик сезади. Мезбон рўзғорга хонадон соҳибларига оғири тушмаганлигидан қувонади. Бу ширин муомалали мулозаматларни яхши кунларида қайтаришни дилига тугиб қайтади.

-Баъзи инсонларда учрайдиган энг ёмон одат турмушдан нолиш деб биламан, - дейди кекса деҳқон Эрмамат Шодиев. "Сен бирни берсанг, худо сенга мингни беради" десанг елка қисишади. Уларнинг ўйловлари шу бугун берсалар, эртага ўн ҳисса қилиб қайтариб олсалар, сабр-қаноат деган нарсани тушунишни истамайдиганлар кўпайиб боряпти.

Давраларга ўтирсанг, "уф" дейишдан ўзга сўзлари йўқ. Камчилик топишга, айб тиркашга уста бўлиб кетишганлар. Бировни сўрамайдилар, биров уларни сўрамайди.

"Меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан" нақлига қаҳ-қаҳ уриб безбетларча кулиб юрадиган биттаси бор. Хайр-эҳсон нималигини билмайди. Иши юришавермагач, аламини ичкиликдан олади. Илгариги замонларни эслайдими, бир бало. Меҳмоннавозлик одобидан ҳеч вақо йўқ. Фарзандлари ҳам "қуш уясида кўргани-ни қилади" дегандек бўлиб ўсаяптилар.

-Яхши меҳмон оилангнинг обрўйи, - дейди нафақахўр Бекмурод бобо.

Бақо тоға Холиқовнинг миллати қозоқ, аёли Хушвақт буви ўзбек қизи. Йилида энг камида икки бор бу хонадон ҳафталаб меҳмон кутади. Чўлдаги қозоқ бари кўчиб келади. Бақо тоғанинг тўйи-маъракасида қўтани қўй-эчкига тўлади. У деярли ҳар куни бир мол сўяди. Бешбармоқ лангар товоқларга сузилади. Меҳмоннавозликдан чўкиб қолади, деб ўйларсиз бу хонадонни. Аксинча, уй соҳибининг чеҳраси очилиб бораверади.

-Яхши меҳмоннинг ризқи ўзи билан бирга келади, - дейди Бақо тоға ҳеч нарса кўрмагандек кулимсираб. – Фақат ўзбек янгаларинг бироз чарчайди шу кунлари. Меҳмонлардан ортган қўй-қўзи қўтанда ўз-ўзидан кўпайиб ётаверади. Биз орзу-ҳавасни мол билан қиламиз. Яхши меҳмон келса оёғи остига мол сўйиш, сизлар қовун сўйгандек гап. Кўнгли пок, дили пок некбин меҳмоннинг файзи-тароватини бор. Яхши меҳмоннинг иззат-ҳурмати яхши қариндошникидан кам эмас. Яхши меҳмон бора-бора қариндош ҳам бўлиб кетиши мумкин. Қиз олиб, қиз узатиш ниятлари ана шундай синалган оилаларда гуллаб-яшнайди. Шоир айтганидек: "ўртада бегона йўқ", деса бўлади, бу хуш бирлашувларни.

Умуман олганда, халқимизнинг асрий қадриятларидан бири – бу меҳмонни очиқ чеҳра, хуш тавозе билан кутиб олиш ҳисобланади. Зотан, яхши меҳмон, турмуши тинч, хайру баракали, қутли хонадонга келади. Бир пиёла ўзбекона чой, қўл бола ош, чиройли ёзилган дастурхон атрофидаги гурунг дилларни дилларга пайванд қилади.

Аслида ўзбекнинг ўзлиги ҳам шунда бўлса керак.

**Дилмурод ЖАББОР,**
**журналист**



**Китоб – кишига билим беради, қалбга зиё сочади. Буни яхши англаб етган Ховос туманидаги касб-ҳунар коллежи кутубхоначиси Ойсара Иброҳимова мудом илм толиблари, китоб шинавандалари хизматида. У бу соҳада 28 йилдан бери фаолият юритиб келади.**

**СУРАТДА: Ойсара Иброҳимова ва коллежнинг маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Пардабой Рустамов кутубхонага келган янги китобларни кўздан кечиришмоқда.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# УСТОЗНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

**_Устозлар ҳақида гап борганда, шундай бир ривоят хаёлимда чарх уради. Эмишки: ҳаётда олий нуфуз ва юксак мақомга эришган фарзанддан отаси сўрабди:_**

-Шуҳрат чўққисида турганинг чин, болам. Энди ростини айт-чи, илмда бу қадар равнақ топишингда кўпроқ кимдан миннатдорсан?

-Ростини айтсам, ранжимайсизми, падари бузруквор? – дебди ўғил.

-Ростини айт, болам, ранжимайман.

-Албатта, кўпроқ устозимдан миннатдорман, отажон!

Ота яна сўрабди:

-Эй, фарзанди солиҳ, айт-чи, сен учун бу дунёда кўпроқ ким қадрлироқ: устозингми ё падаринг?

-Албатта, устозим-да, дадажон!

Ота бу жавобдан гангиб қолибди.

-Эй, фарзанди солиҳ, нега ундай дейсан? Ахир, мен Тангрига кечаю кундуз муножотлар қилиб, таваллолар этиб, сени кўкдан сўраб ерга туширганман. Боз устига, камина падари бузрукворингман, ахир!

Фарзанди қобил отаси елкасига эъзоз ила бош қўйиб, дебди:

-Гапларингиз айни ҳақиқат, падари бузруквор. Сиз худога илтижолар қилиб, осмони фалакдан мени ерга туширгансиз, кашф қилгансиз, тонмайман. Бироқ, устозим мени ердан кўкка кўтарди, шунчалар сарбаланд айлаб, улуғ мартабага муяссар этди! Буни унутиб, қадрламай бўладими, отажон?!

Чиндан-да, унутиб бўлмайди: Афлотунона ҳақиқат!

"Андоқки нуктадонсан, ким эрди устозинг?" деган сўров бор элда. Устоз каломи ва мартабаси аждодларимизда азалдан баланд тутилган. Шу боис кексалар ёш-яланглларга: "Устозинг ўтирган уйнинг томига чиқма", деб насиҳат қилишган.

Ана шундай устозлардан бири Жўрақул Тўраев нуктадон муаллим, тилаги тўлиқ, вазмин, босиқ, олижаноб, тафаккури уйғоқ инсон эди. Ўша йиллари ягона ўрта мактаб – Шота Руставели илмгоҳига кираверишдаги эшик тепасида Абдулла Авлонийнинг мана шу сўзлари битиб қўйилган бўларди: "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир!".

Бу ягона билим даргоҳида илмга чанқоқ ёшларга зиё берувчи Жўрақул Тўраевга ўхшаш чинакам камарбаста мураббийлар жамланган эди: шоир Тошпўлат Ҳамид, Рамазон Хўжаев, Ҳикмат Назаров, Расул Отамуродов... Санаб саноғига етиб бўлмайди!

Ана шулар орасида тиниб-тинчимас, фидойи педагог Жўрақул Тўраевнинг фаолияти алоҳида диққатга сазовор. Домладан қолган хотираларни ҳозир ҳам бот-бот эслайман. Бир куни очиқ дарсда истакларидай жавоб беролмаган ўқувчига қарата шундай дедилар:

-Ишонган тоғим сен бўлсанг, кўкартирган майсангдан ўргилай!

-Яхши шогирд устозга қанд беради, ёмон шогирд устозига панд беради...

Инсон боласи учун табиат ҳузурбахш икки неъмат берган – бири нон, иккинчиси – мактаб, - дейди донишмандлар. - Ўшанда ёшлар мактабни нон қадар қадрлашар, муаллимларнинг айтар ҳар бир каломини беэътибор қолдирилмасди. Хусусан, Жўрақул Тўраевни болалар алоҳида меҳр билан тинглашар ва севишар эди. У киши чиндан ҳам санъат шинавандаси бўлган. Шу боис бўлса керак, туман маданият даргоҳига раҳбар бўлиб келишга розилик берган.

СОҒИНЧ

Жўрақул Тўраев бор-йўғи 41 йил умр кўрган. Бироқ, домла шу қисқа фурсатли ҳаётини замондошлари хотирасига умрбод муҳрланиб қоладиган тарзда самарали ўтказган, десак хато қилмаган бўламиз.

Одатда ўзидан нур таратувчи зиёлиларнинг умри унинг бу ҳаётда қанча умр кўрганлиги билан эмас, балки қилган хайрли ва савобли ишлари, файзли амаллари ва яна аниқроғи, етиштирган шогирдлари ва уларнинг салмоғи – салоҳияти билан ўлчанади. Ана шу фидойилик ва жонбозлик боис вафотидан сўнг устозларнинг иккинчи умри бошланади. Авлодлар эса уларнинг номини ҳамиша ифтихор билан эслаб юришади.

**Аҳад ҲАСАН,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# ЧАШМАДАН СУВ ИЧГАН ШАҲАР

(Боши 1-бетда)

XVI аср меъморий обидаси катта Гумбаз масжиди, Шайх Абдул Ҳасан Нурий мақбараси, мадраса ва бошқа меъморий обидалар катта тарихий аҳамиятга эгадир.

Нур чашмаси ва унинг атрофидаги табиий антропоген ланшафт ноёб қўриқхона ҳисобланади. Бу ерда табиий, биологик, меъморий археологик, тарихий, тиббий ёдгорликлар бетакрорлиги, уйғунлиги билан оламда ягонадир.

Марказий Осиёда одам яшаган тарихий бешикларимиздан бири Нур қалъаси ёки бугунги кундаги Нурота шаҳридир. Нур чашмасининг геологик ёши бир миллион йил бўлиб, чашма атрофидаги маданий қатламлар 35-40 минг йилга бориб тақалади. Бухоро тарихчиси Наршахий: "Ер юзида Бухородай шаҳри азим бўлмасидан илгари Нур соҳилида ҳаёт қайнаган"лигини таъкидлайди.

Нуротада оқар сувнинг йўқлиги туфайли аждодларимиз бу гўшанинг серунум тупроғидан фойдаланиш мақсадида коризлар тизимидан фойдаланганлар. Улар юзлаб қудуқлар қазиб, уларни бир-бири билан туташтириб, антиқа ирригация иншоотлари воситасида ер ости сувларини ер юзига оқизиб, деҳқончилик ишлари билан шуғулланганлар. Кориз чиқаришда дастлаб қияликнинг баландроқ жойидан бир нечта қудуқ қазилган. Иш ер нишабини белгилаш, невилировка қилишдан бошланган. Тарози ва бошқа махсус асбоблар ёрдамида ер сатҳи белгиланган. Сув чиқарадиган бош қудуқ чуқурлиги 18-20 метр бўлган. Қудуқлар бир-бири билан тоннел ёрдамида туташтирилган. Ва уларнинг ҳар бирига ном қўйилган. Бу номлар ҳозиргача эл тилида янграб келади. Кўнчи, Мастон, Қувондиқ, Хайробод, Адизобод, Мири, Алпухори ва бошқа коризлар қолдиқлари мавжуд. Қадим-қадимда бундай коризлар Нуротада 365 та бўлиб, уларнинг ҳар бири бир неча километрга чўзилган. Ҳар бир коризда қудуқлар сони 150 дан 250 тагача бўлган.

Хорижий сайёҳлар Нуротанинг бу тарихий обидаларини бот-бот зиёрат қилиб туришади. Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Франция, АҚШ, Покистон, Афғонистон сингари давлатлардан келаётган инсонлар бир олам таассурот билан юртларига қайтмоқдалар.

Улуғ тарихчи Наршахий: "Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган кишининг фазилатларига эга бўлади", деганларида минг бора ҳақ эканлар. Кўҳна тарихга эга Нуротанинг кечаги куни, бугуни ва эртаси янада сержило ва ёрқиндир. Нурота чашмаси, ўсимлик ва ҳайвонот олами, этнографияси, каштачилик ва тоштарошчилик, ҳунармандчилик, халқ амалий санъати, халқ оғзаки ижоди, фольклор ва бахшичилик анъаналари тарихи, меъморий обидалар, Нур қалъаси, коризлар тизими, петрогрифлар мажмуаси, қўрғонлар ва мудофаа деворлари, археологик объектлари пухта илмий ўрганилиб, улар асосида Нурота музейи қўриқхонасини ташкил этиш юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб бориш мақсадга мувофиқ эмасмикан, деган савол ўз-ўзидан туғилиши табиий.

Саховатли, қалби дунё инсонлар бу ишга замин яратдилар десак, хато бўлмас. Улардан бири ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси-генерал, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Рустам Муҳаммедовдир.

Хўш, бу фидойи, элпарвар инсон ким бўлди экан, деб қизиқишингиз табиий. Рустам Муҳаммедов Нурота шаҳрининг Қўрғон гузарида таваллуд топган. Болалиги муқаддас саналган Нурота чашмасининг шундайгина ёнида ўтган. Иккинчи жаҳон урушининг бошланишидан сал олдинроқ кўнгиллилар қаторида, ўн етти ёшида армия хизматига отланади. 1941-1945 йилларда урушнинг биринчи кунидан охиригача иштирок этиб, оддий аскар сифатида пиёда, ҳар қадамда ўлим билан юзма-юз келиб, қатор қишлоқ ва шаҳарларни озод қилишда иштирок этди.

Рустам Муҳаммедов 1948 йили она Ватанига қайтди. Шундан сўнг Тошкентдаги икки йиллик ҳуқуқшунослар мактабига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлайди ва прокуратура органларида хизмат қилди. Бир сўз билан айтганда, қилни қирқ ёрувчи бу билимдон инсон чорак аср ҳуқуқий ташкилотларда фаолият кўрсатди. Бу мавзуга оид ўнга яқин китоблар ёзишга муваффақ бўлди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда аждодларимиз қадриятларини, халқнинг анъанавий урф-одатларини, тарихий обидаларни қайтадан таъмирлашга ҳурматли Президентимизнинг даъватлари кўпчилик юртдошларимизга айни муддао бўлди. Булар қаторида Рустам Муҳаммедов ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшишга аҳд қилди. Жуда кўп алломаю, маърифатпарварларни тарбиялаб чиқарган Нурота заминидаги туман музейини ташкил этиш учун ўз жамғармасидан маълум миқдорда маблағ ажратиш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббус Нурота туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Оқибатда генералнинг илтимоси қаноатлантирилиб, болалигида ўзи яшаган ҳовлидан 0,04 гектар ер ажратиб беришга қарор қилинди.

Музейнинг лойиҳасини тайёрлаш учун асосий бошланғич ҳисоб-китобларни қилиб, 1996 йил 19 июлда бино пойдеворига тош қўйилди. Шу тариқа Нурота мармаридан қад ростлаган 360 квадрат метрлик кўркам бино қад ростлади. Шундай қилиб, Нурота тумани музейи биринчи марта ўз биносига эга бўлди. Бу бино жозибаси, ноёб архитектураси билан Нурота Регистони мажмуасини тўлдирди. Бу ердаги ноёб жиҳозлар, экспонатлар "Чашма" ўлкашунослик музейи довруғини олам аро ёйишига шубҳа йўқ.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ**

# SPORT OLAMIDA

## ЁШЛАРИМИЗ МАТОНАТИ

**_БААда кечаётган футбол бўйича Ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатининг саралаш баҳслари ўз ниҳоясига етди. Барча гуруҳлар бўйича ғолиблар аниқланиб, нимчорак беллашувларининг иштирокчилари ҳам маълум бўлди._**

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам жаҳон чемпионатининг гуруҳ баҳсларидаги ўйинларини якунладилар. Бахтга қарши ёшларимизга чемпионатни давом эттириш насиб этмади. Улар ўтказилган барча ўйинларда кичик ҳисоб билан мағлубиятга учрашди. Тўплар нисбати эса 3:6 ни ташкил этди. Москванинг ЦСКА жамоаси таркибида тўп сурадиган ҳужумчимиз Александр Гейнрих Мали ҳамда Аргентина ёшлар терма жамоалари дарвозабонларини "хафа қилган" бўлса, рақибларимиз дарвозасига киритилган учинчи тўп бухоролик Ислом Иномовнинг ҳисобига ёзилди.

Бир қарашда, биз яна мағлуб бўлдик. Аммо масалага бошқа нуқтаи назар билан ёндошсак, ёшларимиз кўрсатган натижа бизни қайғулантирмаслиги, билъакс қувонтириши табиий. Зеро, рақибларимиз биздан кўра маҳорат бобида ҳам, тажрибада ҳам ва таркибдаги "юлдузлар" сони билан ҳам анча устунликка эга эдилар. Шунга қарамай, Виктор Борисов шогирдлари мардонавор ўйин намойиш этиб, улар билан тенгма-тенг кураш олиб борди. Ҳаттоки, сўнгги жаҳон чемпиони бўлмиш Аргентина ёшлар терма жамоасига қарши кечган баҳсда майдоннинг ҳар бир бурчагида устунликни ўзларида сақлай билдилар. Сўнгги турда Испания билан куч синашган вакилларимиз ғарчи чиройли ўйин кўрсатган бўлсалар-да, 0:1 ҳисобда кичик мағлубиятга учрашди. Ўйиннинг 15-дақиқасида Иниесета томонидан киритилган голга Борисов шогирдлари камида тўртта тўп билан жавоб беришлари мумкин эди. Афсуски, деярли 100 фоизлик имкониятлар бой берилди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## КИМ МЕЗБОН БЎЛАДИ?

**_Ҳали "Германия – 2006"нинг саралаш учрашувлари бошланмай туриб, ФИФА 2010 йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига мезбон қидирмоқда._**

Маълумки, 2010 йилда ўтиши кўзда тутилаётган жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш ҳуқуқи Африка мамлакатларининг бирига берилади. Айни кунларда номзод мамлакатлар аниқланди. ЖАР, Миср, Ливия, Марокаш ва Тунис давлатлари чемпионатни ўз уйларида ўтказиш учун даъвогарлик қилишмоқда. Ливия ҳамда Тунис футбол федерациялари эса "қўшмезбонлик" лойиҳаси асосидаги режаларини аллақачон ФИФАга тақдим этиб ҳам бўлишган. Бироқ, бир ой давомида бутун дунё нигоҳини ўзига қаратиб туриш бахти қайси давлатга насиб этаркин, буни энди вақт кўрсатади. Жаҳон чемпионати ўйинларига етти йилдан сўнг мезбонлик қилиши лозим бўлган жамоа номи эса 2004 йилнинг 15 майида Цюрихда аниқланади.

## МАКИНРОЙ ЭНДИ ҚАЙТМАЙДИ

**_Сўнгги пайтларда Америка теннисининг тирик афсонаси саналувчи Жон Макинрой ўз ватандошлари Том Оккер ҳамда Тодд Вудбриджлар томонидан ўрнатилган жуфтлик баҳсларида ғалаба қозониш рекордини янгилаш учун яна кортга тушиши ҳақида турли миш-мишлар тарқалган эди._**

44 ёшли собиқ теннисчи бу хусусда ВВСга интервью берган чоғида, энди ҳеч қачон теннис ўйнамаслигини айтиб ўтган. Оккер ҳамда Вудбриджлар жуфтлик баҳсларида етмиш саккиз мартадан ғалаба қозонишганди. Мазкур кўрсаткич ҳозирда бошқа теннисчилар учун етиб бўлмас чўққи саналади. Жон Макинрой эса 1992 йилда катта теннисни тарк этгунига қадар жуфтлик баҳсларида етмиш етти маротаба зафар қучган. Бироқ, унинг тан олиб айтишича, жаҳон рекордини забт этиш учун бир қадам қолганлигини билмаган экан.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "DENTAMIR" МЧЖ тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 152-27-69.

Утерянные круглая печать и угловой штамп выданный Шайхантахурском УВД г.Ташкента на имя ООО "Строй Бар Сервис", считать недействительным.

ООО "Строй Бар Сервис" Шайхантахурского района г.Ташкента ликвидируется. Притензии принимается в течении 2-х месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 78-62-18.

Утерянное удостоверение личности, выданное Министерством Финансов Республики Узбекистан от 5.08.2002 г. за № 378 на имя директора Информационно-вычислительного центра МФ РУз. Балтабаева Талибджана, считать недействительным.

Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институти томонидан 1980 йили №109 рўйхат рақами билан Мухаметгареев Рамил Раисович номига берилган ЕВ серияли №249359 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Зангота туманидаги "Диёр" хусусий фирмаси (ИНН 201472412) тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан эътиборан икки ой давомида қабул қилинади.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Гўштсавдохарид" МЧЖ (ИНН 201620092) тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан эътиборан икки ой давомида қабул қилинади.Тел.: 54-87-22

# ЯШИЛ ОЛАМГА ТАЖОВУЗ ҚИЛМАНГ

**_Илмий манбаларда келтирилишича, дунёда аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши қайд этилмоқда. Жаҳон бўйича ўртача ҳар дақиқада 225 нафар чақалоқ туғилиб, 93 киши ҳаётдан кўз юммоқда. Демак, бир дақиқада аҳолининг ўсиш суръати 132 кишига тенг. Бундан кўринадики, инсоннинг табиат маҳсулотларига нисбатан талаби ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда._**

Гиёҳларга нисбатан оммавий хуружнинг бошланиши, табиатнинг бу ноёб неъматлари камайиб кетишига олиб келмоқда. Беморлар учун албатта даво керак. Табобатда доривор гиёҳлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Чотқол Давлат биосфера қўриқхонаси ва унинг атрофидаги қалқон ҳудудлар (буфер зоналар)и бебаҳо бойлигимиздир. Чотқол бағри – Майдонтол мавзеси (24150 гектарни ташкил этади) ўзининг гўзаллиги билан ажралиб туради. Бу ҳудуд ҳали одамлар таъсирига учрамаган, гўзаллиги кишини мафтун этади. Бошиқизилсой мавзеси (майдони 11018 гектар атрофида) аҳоли истиқомат қиладиган жойнинг нари-берисида жойлашган 1,5 дан 15 километргача масофадаги Заркент, Суқоқ, Сангинак, Невич, Навдак қишлоқларида 24 минг аҳоли яшайди. Шунингдек, мазкур ҳудуддан 70 километр масофада Тошкент шаҳри жойлашганлиги эътиборга олинса, кўркам табиатимизнинг ноёб ва нодир ўсимликлар оламини, ҳайвонот дунёси, биохилма-хиллигини сақлаш нақадар муҳимлиги ойдинлашади.

Fарбий Тяншан ва Чотқол ҳудудида 465 турга яқин шифобахш ўсимлик турлари ўсади. Уларнинг маълум бир қисми ноёблиги ва бошқа ҳудудларда ўсмаслиги билан ажралиб туради. Ушбу ўсимликларнинг фақат 20 фоизидангина илмий тиббиётда фойдаланилса, қолган 80 фоизи халқ табобатида қўлланилади. Уларнинг шифобахшлик хусусияти ҳали тўлиқ ўрганилганича йўқ. Хосиятини таъриф этиш қийин бўлган афсонавий женьшен билан рақобат қила оладиган "олтин илдиз-радиола", "олғи", "омон-қора", "парпи", "рўян", "салаб", "афсонак" каби қатор шифобахш ўсимликлар шу ерда маскан топган.

Ҳозир шифобахш гиёҳлар ва неъматларга нисбатан талаб ниҳоятда ортган. Қўшма корхоналар, фирмалар, қолаверса, бозорда ёймачилик йўли билан гиёҳларни сотувчи кишилар ҳам кўпайиб кетган.

Бироқ, бозори чаққон шифобахш гиёҳларни йиғиштириб, улар билан савдо қиладиган кишиларнинг ҳаммасини ҳам ўсимлик "тили"ни тушунадиганлар, дейиш қийин. Ўтган 2002 йилдаги маълумотларга кўра, доривор гиёҳларни йиғиштириш билан шуғулланувчи 19 кишидан фақатгина биттасида шифобахш гиёҳлар бўйича ўқув ҳамда кафолатнома борлиги маълум бўлди. Демак, табиат инъомлари билан "муомала" қилаётганларга ишониб қолишдан эҳтиёт бўлган маъқул.

ОНАЖОНИМ - ТАБИАТ

Ҳозирда Жаҳон Банки ҳамкорлигида ишлаб чиқилган Fарбий Тяншан биохилма-хиллиги лойиҳаси маълум даражада табиат муҳофазасида ижобий натижа бермоқда. Мазкур лойиҳанинг Кичик грантлар дастури негизида Чотқол қўриқхонаси ён-атрофидаги қишлоқларнинг туб аҳолисига, маҳаллий жамоат ташкилотлари ва нодавлат тижорат муассасаларга қўшимча даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш назарда тутилган.

Биргина мисол. Доривор гиёҳларни етиштириш билан Новдак қишлоғидаги ихлосмандлар гуруҳи машғул бўлмоқда. Паркент тумани "Ногиронлар жамияти" нодавлат-нотижорат ташкилотига ҳам "Заркент" ширкат хўжалигининг бир гектар ер майдонида доривор ўсимликларни етиштириш мақсадида грант ажратилган. Хайрли иш ташаббускорларига 4146 АҚШ доллари берилган.

"Чотқол" қўриқхонасида мавжуд биохилма-хилликни сақлаш, табиат гўзаллигини сақлаб қолиш мақсадида маҳаллий аҳолига моддий кўмак берилиши бир қанча иш ўринлари яратилишига олиб келади. Маълумотларга қараганда, Заркент қишлоғида 40 фоизга яқин аҳоли доривор гиёҳлар ўстиришга иштиёқманд, бироқ, бунинг учун доривор маҳсулотларни харид қилиб оладиган тайинли муассасанинг ўзи йўқ.

Яна бир гап. Доривор ўсимликларни етиштирувчи кишилар далага ишлов беришда, зараркунандаларга қарши курашишда заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланмасликлари лозим. Чунки, заҳри қотил моддалар – пестицидлар фақатгина зараркунанда ҳашаротларни нобуд қилмасдан, балки фойдали жонзотларнинг ҳам қирилиб кетишига сабабчи бўлади. Мана шу жиҳатларига жиддийроқ эътибор бериш зарур. Акс ҳолда қош қўяман деб кўз чиқариш ҳеч гап эмас.

**Маннон НАБИЕВ,**
**Ўзбекистон Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими.**

**Газетанинг навбатдаги сони 11 декабр, пайшанба куни чиқади.**

Бош муҳаррир
ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Fафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-64-461; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони:
133-44-43,
136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083,
Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи:
А.АЛИҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-0021, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:

Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com